

ҚУРИЛИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

БЕТОН ВА ТЕМИРБЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАР

ҚМҚ 2.03.01-96

Расмий нашр

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУВА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ**

ТОШКЕНТ 1997

УДК 69:691.32 (083.74)

ҚМҚ 2.03.01-96 “Бетон ва темирбетон конструкциялар” /Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўми-Тошкент, 1996.

ИШЛАБ ЧИҚУВЧИ ВА ТАҚДИМ ҚИЛУВЧИ: ЎзЛИТТИ АЖ (т.ф.н. Ш.А. Хакимов-мавзу раҳбари, т.ф.н. А.Б. Кузанов, К.А. Плахтий, Р.С. Ибрагимов, С.А. Хўжаев, А.М. Камилов, мух. Л.А. Мухамедшин, т.ф.н. Г.И. Ступаков, А.С. Ажидинов, Р.Р. Юсупов, Ш. Шаджалилов, мух. Е.К. Туляганов, Ш.У. Фазилов, М.У. Каримова), ТАҚИ (т.ф.д. Б.А. Асқаров, т.ф.н. Х.А.Акрамов, Х.У. Камбаров, Ш.Р. Низамов, А.А. Ходжаев, З. Абдуллаев), ТАДИ (т.ф.д. А.А. Ашрапов), ЎзНИИП градостроительства (В.Е. Штереншис, Э.Ф. Леннешмитд, Т.Х. Тўнчеров), Ўзтяжпром АЖ (С.М. Квенцель, В.В. Александров), БухТИП ва ЛП (т.ф.д. М.М. Вахитов).

МУҲАРРИРЛАР: Т.Н. Набиев, Ф.Ф. Бакирхонов, Е.Э. Сташис, (Давархитектқурилишқўми), С.А. Хўжаев, Л.А. Мухамедшин, А.М. Комилов, Ш.А. Хакимов, Ю.А. Гамбург, Р.С. Ибрагимов, А.Б. Кузанов, К.А. Плахтий (ЎзЛИТТИ АЖ).

Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўмининг Лойиха ишлари бошқармаси томонидан ТАСДИҚЛАШГА ТАЙЁРЛАНГАН (Ахмедов Д.А.).

ҚМҚ 2.03.01-96 “Бетон ва темирбетон конструкциялар” жорий этилиши билан СНИП 2.03.01-84* “Бетонные и железобетонные конструкции” Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТАДИ.

ҚМҚ 2.03.01-96ни ишлаб чиқишда СНИП 2.03.01-84* ҳолатларидан фойдаланилган.

Давлат тилига таржима Ахмедова М. (1-47 б.) ва Холиқова М. (48-104 б.) томонидан бажарилган.

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитасининг рухсатисиз бутунлай ва қисман кўчирилмайди ҳамда тарқатилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Давархитектқурилишқўм)	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари	ҚМҚ 2.03.01-96
	Бетон ва темирбетон конструкциялар	СНиП 2.03.01-84* ўрнига

Ушбу меъёрлар ва қоидалар 50°C дан юқори бўлмаган ҳамда минус 40°C дан паст бўлмаган ҳароратларнинг муттасил таъсири остида ишловчи турлича хизматли бетон ва темир бетон конструкцияли бетон ва темирбетон конструкцияли бинолар ва иншоотларни лойиҳалашга жорий қилинади.

Меъёрлар оғир, майда донадор, енгил, шўъбадор ва ғовакланган бетондан, шунингдек, зўриктирилувчи бетондан тайёрлаш, бетон ва темирбетон конструкцияларни лойиҳалашга талабларни ўрнатади.

Ушбу меъёрларнинг талаблари гидротехник иншоотларнинг, кўприкларнинг, нақлиёт ер ости йўллари-нинг, тоқлар остидаги қувурларнинг автомобил фўллари ва аэродромлар қопламаларининг, ўзакцемент конструкцияларига, шунингдек, ўртача зичлиги 500 дан кам ва 2500 кг/м³ дан ортиқ бўлган бетонлардан, оҳақ, тошқол ва аралаш боғловчи моддалардан (улардан ғовақдор бетонда қўллашдан ташқари), ганч ва маҳсус боғловчи моддаларда, маҳсус ва органик тўлдиргичларда, йирик ғовакли тузилишга эга бўлган бетонлардан тайёрланган конструкция-

Маҳсус шароитларда ишлатишга мўлжалланган (зилзилалар таъсирида, бетон ва темирбетон конструкцияларга тажавузкорлик даражада таъсир қилувчи муҳитда, юқори намлик шароитларида ва ш.ў.) бетон ва темирбетон конструкцияларни лойиҳалашда бундай конструкцияларга тегишли меъёрий ҳужжатлар томонидан қўйиладиган қўшимча талабларга риоя қилиш лозим.

1. УМУМИЙ КўРСАТМАЛАР АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Бетон ва темирбетон конструкциялар барча ҳисоб-китобларнинг энг сўнгги ҳолат турларининг келиб чиқишини ҳисобга олган ҳолда талаб доирасидаги мустаҳкамлик, ашёларнинг танланиши, ўлчамлар ва конструкциялар вазифалари билан таъминланган бўлмоғи лозим.

1.2. Конструктив ечимлар уларнинг муайян қурилиш шароитларида қўлланишининг техник-иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда танланмоғи, бунда ашё, энергия (куч-қувват), меҳнат сарфи ва қурилиши қиймати-

Ҳ.Асомов номидаги ЎзЛИТТИ акционерлик жамияти томонидан киритилган	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 1996 йил 11 сентябрдаги № 87 - сон буйруғи билан тасдиқланган	Амалга киритилиш 1 январь 1997 й.
---	---	--------------------------------------

Расмий нашр
ларга жорий қилинмайди.

нинг энг қуйи даражасига қадар

пасайтирилиши ҳисобга олинмоғи даркор. Бунга қўйидаги йўллар билан эришилади:

самарали қурилиш ашёлари ва конструкцияларини қўллаш;

конструкциялар вазнини пасайтириш;

ашёларнинг физик-механик хоссаларидан энг тўлиқ даражада фойдаланиш;

маҳаллий қурилиш ашёларидан фойдаланиш;

асосий қурилиш ашёларини тежамкорлик билан сарф этиш талабларига риоя этиш.

1.3. Бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришда тиклаш ва ишга туширишнинг барча босқичларида бино ва иншоотлар ҳамда айрим конструкцияларнинг чидамлилиги, муштаҳкамлиги ва фазовий барқарорлигини таъминловчи конструкция чизмалари қўлланмоғи лозим.

1.4. Йиғма конструкциялар унсурлари (қисмлари) ихтисослаштирилган корхоналардаги тайёрлашнинг механизациялашган шароитларига жавоб бермоғи лозим.

Йиғма конструкциялар унсурларини танлашда юксак даражадаги чидамли бетон ва ўзакдан, олдиндан ҳисобга олиб ясалган зич конструкциялар ҳамда бошқа меъёрий хужжат талаблари билан чекланмайдиган жойда қўлланувчи енгил ва катакли бетонлардан ясалган конструкциялар кўзда тутилиши мақсадга мувофиқдир.

Йиғма конструкциялар унсурларини йириклаштири мақсадга мувофиқдир, чунки бу монтаж механизмларининг юк кўтариш қобилиятини оширишга, тайёрлаш ва элтиш

шароитларини енгиллатишга имкон туғдиради.

1.5. Яхлит конструкциялар учун оддий (инвентар) қолиплари ҳамда йириклаштирилган кенг ўзак қаркасларини қўллашга имкон берувчи бир хилдаги ўлчамларни кўзда тутмоқ керак.

1.6. Йиғма конструкцияларда уламаларнинг муштаҳкамлиги ва доимийлигига алоҳида эътибор қилмоқ лозим.

Унсурлар тугун ва уламаларининг конструкциялари турли конструкция ва технологик тадбирлар ёрдамида шу унсурлар туташган жойлардаги зўриқиш ва муштаҳкамликнинг оширилишини ҳамда қўшимча ётқизилган бетоннинг конструкция бетони билан туташгандаги боғланишни таъминлаши лозим.

1.7. Бетон унсурлари қўйидаги ҳолларда қўлланилади:

а) асосан 3.3 бандда кўрсатилган белгилардан ошмайдиган, оз эксцентриситет бўйлама кучдаги зичловга ишлайдиган конструкцияларда;

б) Айрим ҳолларда кўп эксцентриситетли зичловга ишлайдиган конструкцияларда, ҳамда бузилган чоғда одамлар ҳаёти ва жиҳозлар (бор бўйи ерда ётувчи нарсалар ва ҳ.к.) бутунлигига бевосита хатар пайдо қилмайдиган эгилувчан конструкцияларда.

Изоҳ: Ишлатилиши босқичида муштаҳкамлиги бор бетон билан таъминланса, бундай конструкциялар бетон конструкциялар деб қаралади.

1.8. Ташқи ҳавонинг мўлжалли қишқи ҳарорати ҚМҚ 2.01.01-94 га кўра қурилиш жойига қараб, энг совуқ беш кунликники ўртача ҳарорат

деб олинади. Мўлжалли технологик ҳароратдар лойиҳалаштириш вази-фалари билан белгиланади.

Атроф-муҳит ҳавосининг намлиги ҚМҚ 2.01.01-94 га кўра курилиш жойига қараб энг иссиқ ой ташқи ҳавосининг ўртача нисбий намлиги ёки иситиладиган бинолардаги хоналар ички ҳавосининг нисбий намлиги сифатида аниқланади.

1.9. Ушбу меъёрларда курилиш конструкцияларини лойиҳалаштиришда қўлланувчи асосий ўлчамларнинг ҳарфий белгилари ҳамда ҳарфий белгиларга тегишли индекслар қабул қилинган.

АСОСИЙ ҲИСОБИЙ ТАЛАБЛАР

1.10. Бетон ва темирбетон конструкциялар ўзидаги қобилят (биринчи гуруҳнинг фойдаланишга яроқлилиги иккинчи гуруҳнинг охири ҳолати бўйича мўлжал талабларини қондириши керак.

а) биринчи гуруҳнинг энг охири ҳолатлари бўйича мўлжал конструкцияни қўйидаги салбий ҳодисалардан сақлашни таъминлаши керак:

емирилишнинг мўртлик, қайишқоқлик ёки бошқа турларидан (емирилиш олдидан зарурий ҳолатларда конструкция эгилишини ҳисобга олган ҳолда мустаҳкамлик бўйича ҳисоб-китоб);

конструкция шакли (юпқа деворли конструкциялар чидамлигига бўлган ҳисоб-китоблар ва ҳ.к.) ёки унинг ҳолати (тиргак деворларни ағдариш ва суришга бўлган ҳисоб-китоб, ер ости ёки ерни ўйиб ясалган сув омборлари

(резервуар)нинг, насос бекатлари ва ҳ.к.ларнинг, очилиб қолишига бўлган мўлжал);

эскириб емирилиш (баъзи салмоғи йўқ машина ва шу кабилар тагига қўйиладиган краности ғўлалар, шпалалар, ромли пойдевор ва тўсиқлар, яъни ҳаракатланувчи минтақа равишда тур ёки уриб турувчи куч таъсироти остида бўлган конструкциялар чидамлигига мўлжал;

атроф-муҳитдаги ноқулай таъсирлар ва куч билан боғлиқ бўлган омилларнинг биргаликдаги таъсири остидаги емирилишлар (ўта зарарли муҳитнинг даврий ёки доимий таъсири, галма-галдан музлаш ва эришиш таъсири, ёнғин таъсири ва ҳ.к.).

б) иккинчи гуруҳнинг энг охири ҳолати бўйича мўлжал конструкциялар қўйидагилардан ҳимоялаши лозим:

тирқишлар пайдо бўлиши, уларнинг ҳаддан ташқари ёки мунтазам равишда кенгайиб бориши (ишлатиш шартларига кўра тирқишлар пайдо бўлиши ёки уларнинг мунтазам очилиб бориши ножоиз ҳисобланган бўлса);

ҳаддан ташқари кўп жойдан-жойга ўтишлар (бўлинишлар, айланиш ва бурилиш бурчаклари, тебранишлар).

1.11. Бутун конструкция ҳамда унинг бир унсурнинг энг сўнгги ҳолати бўйича мўлжал, одатда, тайёрлаш, элтиш, тиклаш ва ишлатишдан иборат барча босқичлар учун ишлаб чиқилади - бунда мўлжал чизмалари қабул қилинган конструкция ечимларига жавоб бериши керак.

Агар темирбетон конструкцияларини тажрибали кўз ёрдамида

текширув ёки амалда қўлланиши асосида уларга тирқишлар очилиши йўл қўйилган меъёрдан ошмаганлиги ва конструкциялар қаттиқлиги, фойдаланиш жараёнида етарли эканлиги аниқланган бўлса, тирқишлар ечилиши ва қийшайишлар бўйича мўлжал олинмайди.

1.12. Юклама ва таъсирлар, юклама бўйича мустаҳкамлик коэффициентлари, бирикмалар коэффициентларининг миқдори ҳамда доимий ва вақтинчалик юкламалар бўлинмаси ҚМҚ 2.01.07-96 талабларига мувофиқ қабул қилиниши керак.

Юкламалар миқдорини «Конструкцияларни лойиҳалаштиришда бино ва иншоотларнинг жавобгарлик даражасини ҳисобга олиш қоидалари»га мувофиқ қабул қилинган мустаҳкамлик коэффициентларига белгиланган мақсадда кўпайтириш керак.

Иккинчи гуруҳ энг охири ҳолат бўйича фойдаланишдаги мўлжалда ҳисобга олинмаган юкламаларни 1.16 ва 1.20 бандлардаги кўрсатмаларга кўра қабул қилинади. Кунда узоқ муддатли соҳаларга яна ҚМҚ 2.01.07-96 да кўрсатиб ўтилган қисқа муддатли соҳалар тўлиқ миқдорининг бир қисми ҳам қиради. Мўлжалга киритилмаган қисқа муддатли юкламани узоқ муддатли чокқа мўлжалланган ҳажмга қисқартириш тавсия этилади. Бирикмаларнинг коэффициентлари ва юкламаларни қисқартириш коэффициентлари қисқа муддатли юкламаларнинг тўлиқ миқдорига киритилади.

Июль ойида ҳаво ўртача ҳарорати 28°C ва ундан ортиқ ҳароратли минтақаларда ишлашга

мўлжалланган, қуёш радиациясидан ҳимоя этилмаган конструкциялар учун ҚМҚ 2.01.01-94 га кўра, мўлжал чоғида ҳароратли иқлим таъсироти ҳисобга олинмоғи лозим.

Бетон ва темирбетон конструкциялар учун СНиП 2.01.02-85 талабларига мувофиқ уларнинг ўтга чидамлилиги ҳам таъминланмоғи керак.

1.13. Йиғма конструкциялар унсурларининг уларни кўтариш, элтиш ва монтаж қилиш чоғида юзага келувчи зўриқиш таъсирига мўлжал олинаётганда унсур оғирлигидан пайдо бўлган:

юкламани элтишда1,60
кўтариш ва монтаж қилишда..1,40
га

тенг ҳаракат коэффициенти билан киритиш керак бўлади.

Ҳалокатнинг мазкур коэффициентлари учун белгиланган тартибда асосланган анча куйи, аммо 1,25 дан кам бўлмаган миқдорда қабул қилиш мумкин.

1.14. Йиғма-яхлит конструкциялар, ҳамда тутиб турувчи ўзакли яхлит конструкциялар чидамлилиги, тирқишлар пайдо бўлиш ва очилиш бўйича ҳамда конструкцияларни ишлатишнинг қуйидаги икки босқичи учун қайишишлар бўйича мўлжалга олинмоғи лозим:

а) конструкциядан фойдаланишладиган жойга ётқизилган бетон зарурий мустаҳкамликка эга бўлмагунча - шу бетон ва конструкция тикланишнинг ушбу босқичида амал қилувчи бошқа вазнининг таъсирига;

б) конструкциядан фойдаланиладиган жойга ётқизилган бетон зарурий мустаҳкамликка эга

бўлмагунча конструкциядан фойдаланишда ва тиклашнинг ушбу босқичида амал қилувчи юкламаларига.

1.15. Статистик жиҳатдан аниқлаб бўлмайдиган темирбетон конструкцияларда юкламалар ва мажбурий кўчишлардан пайдо бўлувчи зўриқишлар (ҳарорат, бетон намлиги ўзгариши, таянчларнинг олиб ташланиши ва ҳ.к.лар натижасида), ҳамда статистик жиҳатдан аниқлаб бўладиган конструкцияларда, уларни шакли ўзгарган чизма бўйича мўлжал олинганда, одатда, бетон ва ўзакнинг аслига келмайдиган шакл ўзгаришини ва ёриқлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш керак бўлади.

Темирбетоннинг аслига қайтмайдиган хоссалари ҳисобга олинган мўлжалнинг оралиқ босқичлари учун статистик жиҳатдан аниқлаб бўлмайдиган конструкциялардаги зўриқишларни уларнинг чизикли қайишқоқлигининг тасаввур қилиш билан аниқлашга йўл қўйилади.

1.16. Ёриққа чидамли конструкцияларга (ёки уларнинг қисмларига) улар ишлатиладиган шароитларга, қўлланиладиган ўзак турига боғлиқ равишда тегишли тоифаларнинг талаблари ҳавола қилинади:

а) 1-тоифа - ёриқлар пайдо бўлишига йўл қўйилмайди;

б) 2-тоифа - α_{cr1} ёриқларнинг эни бўйича чекланган қисқа очилишига йўл қўйилади, (уларнинг кейинчалик маҳкам ечиб қўйилиши (зичланиши) шарт бўлган ҳолда);

в) 3-тоифа - ёриқларнинг энига қисқа α_{cr1} ва давомли α_{cr2} чекланган очилишига йўл қўйилади.

Ёриқларнинг қисқа очилиши деганда, уларнинг доимий, узоқ ва қисқа муддатли юкламаларининг биргаликдаги таъсири, давомли деганда фақат доимий ва узоқ муддатли юкламаларнинг таъсири тушунилади.

Ёриққа чидамли темирбетон конструкцияларга бўлган талаблар тоифалари ҳамда ҳаволи бўлмаган муҳит шароитларида ёриқ очилишининг йўл қўйилган энг катта кенглик миқдори келтирилади: конструкциялар чидамлигини чеклаш учун - 1 жадвалда, ўзак муҳофазасини сақлаш учун - 2 жадвалда.

Темирбетон конструкциялари мўлжалида ҳисобга олинадиган фойдаланиш юкламалари ёриқлар пайдо бўлиши, уларни очиш ва ёпиш бўйича 3 жадвалга кўра қабул қилиниши керак.

1-ЖАДВАЛ

Конструкция иш шароитлари	Ёриққа чидамли темирбетон конструкцияларга бўлган талаблар тоифаси ва конструкциялар ғоваклилигини чеклашни таъминловчи ёриқларни очишнинг энг кўп йўл қўйилган a_{crc1} ва a_{crc2} эни
1.Кўйидаги кесимларда суюқлик ва газлар босимини қабул қилувчи унсурлар: тўла ёйилганда кисман сиқилганда	- тоифа ¹ - тоифа; a_{crc1} қ0,3; a_{crc2} қ0,2.
2.Сирғалувчи жинслар босимини қабул қилувчи унсурлар	- тоифа; a_{crc1} қ0,3; a_{crc2} қ0,2
<i>Конструкциялар кўпроқ олдиндан зўриқиш ила бажарилиши керак. Махсус асосланган чоғда бу конструкциялар олдиндан зўриқишсиз бажарилишига рухсат этилади, бундай ҳолда уларнинг ёриққа чидамлилигига 3-тоифа талаблари тақдим этилади.</i>	

Ёриққа чидамлилигига талабларнинг 2- ва 3-тоифалари ҳавола этиладиган бўлса, конструкция ёки уларнинг унсурларида тегишли 3 жадвалда кўрсатилган тегишли юкламаларда, ёриқлар пайдо бўлмаса, уларга қисқа очиш ва ёриқларни беркитиш (2-тоифа учун) бўйича ёки ёриқларни қисқа ва узоқ муддатли очиш бўйича (3-тоифа учун) мўлжал ишлаб чиқилмайди.

Темирбетон конструкцияларнинг ёриққа чидамлилигига бўлган талабларнинг мазкур тоифалари унсур ўқиға нисбатан меъёрдаги ва оғма ёриқларга тегишлидир.

Узунасиға тушган тирқишларни очишдан қутулиш учун амалий чоралар қўриш лозим бўлади (тегишли кўндаланг ўзак ўрнатилади), бундан ташқари олдиндан зўриқишли унсур учун эса олдиндан айланма қисув босқичида бетондаги қисув зўриқиш миқдори чекланади (қ. 1.29 банд).

1.17. Зўриқишни ўтказиш зонаси узунлиги доирасида зулфинларсиз ўзаги дастлабки зўриқиши бўлган унсурларнинг иккала учлари майдонларида (қ. 2.29 б.) γ_f қ 1,0 коэффицентли мўлжалға киритилувчи доимий, узоқ ва қисқа муддатли ҳаракатларда ёриқлар пайдо бўлишиға рухсат этилади.

Бунда зўриқишларни узатиш зонасининг узунлиги бўйича ўзаксини дастлабки зўриқишлар нолдан энг юқори мўлжал катталигига чизикли ўсиб бориш билан қабул қилинади.

Агар бу қисмда зулфинларсиз эгилувчан ўзак бўлмаса, унинг баландлиги бўйлаб келтирилган кесилувнинг оғирлик марказидан дастлабки қисув кучининг таъсиридан чўзилган киррагача кесилувнинг баландлиги бўйлаб жойлашган қисми учун мазкур талабни ҳисобға олмасликка йўл қўйилади.

2-ЖАДВАЛ

Конструкциялардан фойдаланиш шароитлари	Темирбетон конструкцияларни ёриққа чидамлилиқ талаблари тоифаси ва арматура муҳофазасини таъминловчи ёриқларни очиш учун a_{crc1} ва a_{crc2} , йўл қўйилган энг катта кенглик, мм		
	А-I, А-II, А-III, А-IIIв, А-IV нинг бурама ўзак синфлари; В-I и Вр-I	А-V ва А-VI бурама ўзак синфлари; сим диаметри 3,5 мм ва ундан ортиқ бўлгандаги В-II, Вр- II, К-7, К-19 симли ўзак синфлари	Сим диаметри 3 мм ва ундан кам бўлганда В-II, Вр-II ва К-7 симли ўзак синфлари, Ат-VII синф бурама ўзак
1. Ёпиқ хонада	3 - тоифа; $a_{crc1}к0,4$; $a_{crc2}к0,3$	3 - тоифа; $a_{crc1}к0,3$; $a_{crc2}к0,2$	3 - тоифа; $a_{crc1}к0,2$; $a_{crc2}к0,3$
2. Очиқ ҳавода, ҳамда тупроқ остида тупроқ суви сатҳдан юқори ёки қуйи	3 - тоифа; $a_{crc1}к0,4$; $a_{crc2}к0,3$	3 - тоифа; $a_{crc1}к0,2$; $a_{crc2}к0,1$	2 - тоифа; $a_{crc1}к0,2$
3. Тупроқ остида тупроқ сувининг ўз- гарувчан сатҳида	3 - тоифа; $a_{crc1}к0,3$; $a_{crc2}к0,2$	2 - тоифа; $a_{crc1}к0,2$	2 - тоифа; $a_{crc1}к0,1$

ИЗОҲЛАР: 1. Ўзак синфлари белгилари - 2.24 а бандига мувофиқ.

2. Дорларда ташқи қатлам сими тушунилади.

*3. Ёпиқ хонада ёки очиқ ҳавода фойдаланиладиган А-V синфдаги бурамали ўзакли кон-
струкциялар учун, a_{crc1} ва a_{crc2} микдорли шундай конструкцияларни лойиҳалаштириши ва
фойдаланиши тажрибаси мавжуд бўлса, ушбу жаadwalда келтирилганга нисбатан 0,1 мм
га оширишига йўл қўйилади.*

1.18. Фойдаланиш чоғида даст-
лабки зўриқиш унсурларининг
қисилган зонасида тайёрлаш, элтиш
ва тиклаш босқичларида, мўлжалга
кўра ўққа бўйламасига нисбатан
одатдаги тирқишлар пайдо бўлган
ҳолда унсурлар зонасини фойдалан-
ганда, чўзилган зона тирқиш
чидамлилигини камайтириш, ҳамда
уларнинг қийшиқлигини ошириш
мақсадга мувофиқдир. Мунтазам
такрорланувчи юклама таъсирига
мўлжалланувчи унсурлар учун
бундай ёриқлар пайдо бўлишига йўл
қўйилмайди.

1.19. тутиб туриш қобилияти
ёпилган зона бетонида ёриқлар
пайдо бўлиши билан бир вақтда
ниҳоясига етиш билан тавсифла-
нувчи сифат ўзакланган темирбетон
унсурлари учун (қ. 4.9 банд) узун-
насига ёпилган ўзак кесишув май-
дони мустаҳкамлилиги бўйича 15%
дан камроқ бўлган ҳисоб-китобдан
келиб-чиқиб талаб қилинганига нис-
батан орттирилган бўлиши керак.

1.20. Конструкциялар унсурлар-
ининг очилиши ва жой алмашуви
ҚМҚ 2.01.07-96 да белгиланган
сўнгги микдордан ошмаслиги керак.

3-ЖАДВАЛ

Темирбетон конструкцияларнинг дарзбардошлигига бўлган талаб тоифалари	Ҳисобларда γ_f юкламаси бўйича қабул қилинадиган юкламалар ва ишончлилик коэффиценти			
	Дарз ҳосил бўлиши бўйича	дарзларни очилиши бўйича		дарзларни ёпилиши бўйича
		давомсиз	давомли	
1	$\gamma_f > 1,0^*$ да доимий, узок муддатли ва қисқа муддатли	—	—	—
2	$\gamma_f > 1,0^*$ да доимий, узок муддатли ва қисқа муддатли (ҳисоблаш давомсиз дарзларни очилишига ва уларни ёпилишига бўлган текширишга эҳтиёжни аниқлаш учун амалга оширилади)	$\gamma_f > 1,0$ да Доимий, узок муддатли ва қисқа муддатли	—	$\gamma_f > 1,0$ да Доимий, узок муддатли
3	$\gamma_f > 1,0$ да доимий, узок муддатли ва қисқа муддатли (ҳисоблаш давомсиз дарзларни очилиши бўйича бўлган текширишга эҳтиёжни аниқлаш учун амалга оширилади)	шунинг ўзи	$\gamma_f > 1,0$ да Доимий ва узок муддатли	—

* γ_f коэффиценти мустаҳкамлик бўйича ҳисоблашдагидек қабул қилинади.

Эслатма: 1. Узок муддатли ва қисқа муддатли юкламалар 1.12 бандининг кўрсатмаларини ҳисобга олиб қабул қилинади.

2. Дарз ҳосил бўлиши бўйича ҳисоблашда махсус юкламаларни дарзларнинг мавжудлиги ҳалокатли ҳолатга (портлашга, ёнгина ва ҳоказо) олиб бориши ҳолларида ҳисобга олинади.

1.21. Бетон ва темирбетон унсурларининг қисувчи узуна кучининг таъсирига нисбатан мустаҳкамлиги бўйича мўлжалда ҳисобга олинмаган омиллар билан

шарт қилиб қўйилган e_a тасодикий эксцентриситет эътиборга олиниши керак. e_a эксцентриситети ҳар қандай ҳолатда унсурнинг 1/600 мос узунлигида ёки силжимаслиги учун

маҳкамлаб қўйилган унинг кесишувлари ўртасидаги масофада ва кесишувга $1/30$ баландлигида қабул қилинади. Бундан ташқари, йиғма унсурлардан ташқил топилган конструкциялар учун унсурларнинг конструкциялар тури, монтаж услуби ва ҳоказоларга боғлиқ ўзаро силжиш эҳтимолини ҳисобга олиш лозим.

Турғунлик (статик) жиҳатдан аниқлаб бўлмайдиган конструкциялар унсурлари учун келтирилган e_0 қирқимнинг (кесишувнинг) оғирлик марказига нисбатан узун кучнинг эксцентриситет аҳамиятига (миқдори) конструкциянинг турғунлик ҳисоб-китоби (мўлжали)дан олинган, бироқ e_a дан кам бўлмаган эксцентриситетга баробар қилиб қабул этилади. Статик (турғунлик) жиҳатидан аниқлаб бўладиган қурилмаларнинг унсурларида e_0 эксцентриситет эксцентриситетларнинг қурилма статистик мўлжали ва тасодифий мўлжалидан аниқланадиган умумий ҳисоб (жами) сифатида жойлашади.

1.22. Ҳароратдан киришувчи чоклар ўртасида масофа, одатда, ҳисоб-китоб (мўлжал) билан белгиланади.

ДАСТАВВАЛ ЗЎРИҚТИРИЛГАН КОНСТРУКЦИЯЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР

1.23. Эгилувчан S ва S' ўзагига мувофиқ равишда дастлабки σ'_{sp} зўриқишларни дастлабки зўриқишнинг рухсат этилган p оғишини ҳисобга олган ҳолда шундай тарзда белгилаш лозимки, стерженли ва

симли ўзаклар учун қуйидаги шартлар адо этилсин:

$$\sigma_{sp} + p \leq R_{s,ser}; \sigma_{sp} - p \geq 0,3R_{s,ser}. \quad (1)$$

Ўзак зўриқишининг механик (сунъий) усули чоғида p миқдор $0,05 \sigma_{sp}$ га тенг қилиб олинади, электротермик ва электротермомеханик усулда эса

$$p = 30 + \frac{360}{l}, \quad (2)$$

формуласи бўйича аниқланади, бунда

p - МПа да;

l - тортилувчи (зўриқувчи) стержен узунлиги (таянчларнинг ташқи қирралари ўртасидаги масофалар), м.

Ўзак автоматик усулда зўриқтирилганда формула (2) даги 360 миқдори 90 га алмаштирилади.

1.24. σ_{con1} ва σ'_{con1} зўриқишлар миқдори таянчларга тушган зўриқиш тугаши билан назорат қилинадиган зўриқтирилувчи S ва S' ўзакларига мувофиқ σ_{sp} ва σ'_{sp} (1.23 б.га қаранг) га баробар қилиб қабул этилади, бундан зулфинлар қийшайиши ва ўзаклар титраши (1.25 б.га қаранг) даги зарар чиқариб ташланади.

S ва S' зўриқтирилувчи ўзаклардаги ўзакнинг қотган бетонга тиралганда, зўриқиш кучи тушган жойда назорат этилувчи миқдорлар σ_{sp} ва σ'_{sp} зўриқишларнинг мўлжалли кесишувдаги таъминот шароитларидан аниқланувчи σ_{con2} ва σ'_{con2} га мувофиқ баробар қилиб қабул этилади. Бунда қуйидаги формулаларга асосланади:

$$\sigma_{con2} = \sigma_{sp} - \alpha \left(\frac{P}{A_{red}} + \frac{Pe_{op} y_{sp}}{I_{red}} \right); \quad (3)$$

$$\sigma'_{con2} = \sigma' - \alpha \left(\frac{P}{A_{red}} - \frac{Pe_{op} y'_{sp}}{I_{red}} \right). \quad (4)$$

(3) ва (4) формулаларда:

σ_{sp} , σ'_{sp} - дастлабки зўриқиш зарари ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади;

P , e_{op} - (8) ва (9) формулалари бўйича аниқланади, дастлабки зўриқишнинг биринчи зарарини ҳисобга олган ҳолда σ_{sp} ва σ'_{sp} миқдорларида;

y_{sp} , y'_{sp} - 1.28 б.даги белгилар;
 α қ E_s/E_b .

Ўз-ўзидан зўриқувчи конструкцияларнинг ўзакларидаги зўриқишлар бетондаги зўриқишлар (ўз-ўзидан зўриқишлар) билан мувозанатдаги шароитлардан ҳисоб-китоб қилинади.

Конструкциядаги бетоннинг ўз-ўзидан зўриқиши S_p ўз-ўзидан зўриқиш бўйича бетон маркасидан қелиб чиққан ҳолда аниқланади. Бунда ўзаклаш коэффициентини, бетонда ўзакнинг жойлашуви (бир, икки ва уч сидра ўзаклаш), зарур бўлган ҳолларда эса конструкцияга юклама тушганда бетоннинг киришиши ва сирпанчиқлигидан келадиган зарар ҳисобга олинади.

Изоҳ. В7,5-В12,5 синфли енгил бетондан қилинган конструкцияларда σ_{con1} ва σ_{con2} миқдорлари 400 ва 550 МПа га мувофиқ олиш кетмаслиги керак.

1.25. Дастлабки зўриқиш унсурлари мўлжалида ўзакнинг дастлабки зўриқув зарарини ҳисобга олиш керак бўлади.

Ўзакнинг таянчларга тиралишида қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

а) дастлабки зарарлар - ўзакнинг эгиловчи мосламаларга тўқнашиши, зулфинларнинг қийшайиши, ўзакдаги зўриқишларнинг релаксацияси, ҳарорат пасайиши, шакл ўзгариши (ўзакларини шаклга солиш чоғида), бетоннинг сирпанчиқликка тез мойиллигидан;

б) кейинги зарарлар - бетоннинг киришиши ва сирпанчиқлигидан.

Ўзакнинг бетонга тортилишида қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

в) дастлабки зарарлар - зулфинларнинг қийшайишидан, ўзакнинг ариқ деворлари ёки қурилма бетони сиртига тўқнашишидан;

г) кейинги зарарлар - ўзакдаги зўриқишлар релаксациясидан, бетон киришуви ва сирпанчиқлигидан, ўзак бурамалари остида бетон эгилишидан, блоклар (блоклардан тузилган конструкциялар учун) ўртасидаги уламларнинг қийшайишидан.

Ўзакнинг дастлабки зўриқишидан кўрилган зарарлар 5 жадвал бўйича аниқланади бунда конструкцияларни лойиҳалаштириладиганда зарарнинг умумий миқдори камида 100 МПа деб қабул қилиш лозим бўлади.

Ўз-ўзидан зўриқувчи унсурлар ҳисоб-китобида ўз-ўзидан зўриқиш ва атроф намлиги бўйича бетон маркасига боғлиқ ҳолда бетоннинг киришиши ва сирпанчиқлигидан юзага келувчи дастлабки зўриқиш зарарлари ҳисобга олинади. Ўта нам бўлган шароитларда ишлатиладиган ўз-ўзидан зўриқувчи конструкциялар учун киришишидан қурилган зарарлар ҳисобга олинмайди.

1.26. 4 жадвалнинг 8- ва 9-вазирлари бўйича бетон киришиши ва сирпанчиклигидан келиб чикувчи дастлаб зўриқиш зарарларни аниқлашда куйидаги кўрсатмаларни ҳисобга олмоқ лозим:

а) конструкцияга юклама тушишидаги олдиндан маълум бўлган муддатда зарарларни формуласи бўйича аниқланадиган φ_l коэффициентга кўпайтириш лозим.

$$\varphi_l = \frac{4t}{100 + 3t}, \quad (5)$$

Бунда t - бетонга қисиб ишлов бериш кунидан бошлаб унинг сирпанчиклиги, бетонлаш тугаган кундан бошлаб унинг киришишидан кўрилган зарарларни аниқлашда ҳисобдан чиқариб ташланадиган вақт бирлиги;

б) ҳаво намлиги 40% дан паст бўлган шароитларда ишлатишга мўлжалланган конструкциялар учун йўқотишлар 25% га оширилиши, ҚМҚ 2.01.01-94 га кўра 15 жадвалнинг 7-бандида кўрсатилган минтақаларда ишлатилувчи, оғир ва майда доналар бетондан тайёрланган, куёш радиациясидан ҳимояланмаган конструкциялар учун эса, кўрсатилган йўқотишлар 50% га оширилиши лозим;

в) агар цемент нави, бетон таркиби, тайёрлаш шартлари, конструкциялардан фойдаланиш ва ҳ.к.лар маълум бўлса, белгиланган тартибга асосланган зарарларни аниқлаш учун бундан ҳам аниқроқ услублардан фойдаланишга руҳсат этилади.

1.27. Ўзакдаги дастлабки зўриқиш миқдори мўлжал (ҳисобкитоб)га

$$\gamma_{sp} = 1 \pm \Delta\gamma_{sp}. \quad (6)$$

формуласи бўйича аниқланувчи γ_{sp} ўзак таранглик аниқлиги коэффициенти билан олиб кирилади.

“Плюс” белгиси дастлабки зўриқишнинг номақбул таъсирида (яъни конструкция ишининг айни ҳолдаги босқичида ёки унсурнинг кўриб чиқулувчи майдонида дастлабки зўриқиш тутиб туриш қобилиятини пасайтириб, ёриқ ва ҳ.к.лар пайдо бўлишига имкон туғдиради), «минус» белгиси мақбул таъсирни англатади.

Ўзак тортишнинг сунъий усулида $\Delta\gamma_{sp}$ миқдори 0,1 га баробар қилиб қабул этилади, электротермик ва электротермомеханик усуларда

$$\Delta\gamma_{sp} = 0,5 \frac{p}{\sigma_{sp}} \left(1 + \frac{1}{\sqrt{n_p}} \right), \quad (7)$$

формуласи бўйича аниқланади; бироқ 0,1 дан кам бўлмаган миқдорда қабул қилинади.

бунда p, σ_{sp} - қар. 1.23 б.;

4-ЖАДВАЛ

Ўзакдаги олдиндан зўриқишнинг йўқотилишини келтириб чиқарувчи омиллар	Тарангланган ўзакнинг олдиндан зўриқишнинг йўқотилиш қиймати, МПа,	
	таянчга	бетонга
<p>1. Ўзак зўриқишининг релаксацияси: ўзакни механик усулда тарангланганда:</p> <p>а) симли</p> <p>б) стерженли Ўзакни электротермик ва электротермомеханик усулларда таранглаш:</p> <p>в) симли</p> <p>г) стерженли</p>	<p>А. Биринчи йўқотишилар</p> $\left(0,22 \frac{\sigma_{sp}}{R_{s,ser}} - 0,1 \right) \sigma_{sp}$ <p>0,16σ_{sp}-20</p> <p>0,05 σ_{sp}</p> <p>0,030 σ_{sp}</p> <p>Бу ерда σ_{sp} МПа, йўқотишларни ҳисобга олмай қабул қилинади. Ҳисобланган йўқотишнинг қиймати манфий чиққан ҳолда, уларни нолга тенг қилиб олинади.</p>	<p>—</p> <p>—</p> <p>—</p> <p>—</p>
<p>2. Температуранинг паст-баландлиги (қиздириш зонасида тарангланган ўзак билан бетонни иситишда таранглаш кучини қабул қилувчи конструкция температуранинг айирмаси</p>	<p>V15 - V40 синфли бетонлар учун 1,25Δt V45 ва ундан юқори синфли бетонлар учун 1,0Δt, бу ерда Δt - қиздирилаётган ўзак билан таранглаш кучини қабул қилувчи қўзғалмас таянчлар (қиздирилгандан ташқари зонада °С, орасидаги температуранинг айирмаси. Аниқ маълумотлар бўлмаганда, $\Delta t \leq 65^\circ\text{C}$ деб қабул қилинади.</p> <p>Иссиқлик билан қайта ишлаш жараёнида зўриқтирилувчи ўзакнинг температура паст-баландлигини ўрнини тўлдирувчи қийматга тарангланганда, температура паст-баландлигидан йўқотилиш нолга тенг деб қабул қилинади.</p>	<p>—</p> <p>—</p>
<p>3. Тарангловчи конструкциядаги зулфинлари деформацияси</p>	$\frac{\Delta l}{l} E_s,$ <p>бу ерда Δl - пресланган ҳалқаларни қисилиш, қўйилма бошчаларнинг эзилиши ва бошқалар - 2 ммга тенг деб қабул қилинади; инвентар қисқичлардаги стерженларни сижиши, қуйидаги формула ёрдамида топилади $\Delta l \leq 1,25 \sqrt{0,15d}$; d - стерженнинг диаметри, мм; l - тарангланган стерженнинг узунлиги (қолип ёки стенд таянчаларининг</p>	$\frac{\Delta l_1 + \Delta l_2}{l} E_s,$ <p>бу ерда Δl_1 - унсур бетони ва зулфини орасида жойлашган ҳалқа ёки кистирманнинг қисилиши, 1 ммга тенг деб қабул қилинади; Δl_2 - стакансимон зулфинларнинг, тиқинли қолипнинг, зулфин чайкалари ва</p>

Ўзакдаги олдиндан зўриқишнинг йўқотилишини келтириб чиқарувчи омиллар	Тарангланган ўзакнинг олдиндан зўриқишнинг йўқотилиш қиймати, МПа,	
	таянчга	бетонга
	ташқи қирралари орасидаги масофа), мм.	қайровларнинг деформацияси, 1 ммга тенг деб қабул қилинади; l - тарангланувчи стерженнинг (унсурнинг) узунлиги, мм.
4. Ўзакнинг ишқаланиши: а) канал деворига ёки конструкция бетони юзасига б) эгувчи мосламага	- $\sigma_{sp} \left(1 - \frac{1}{e^{\delta\theta}} \right)$ бу ерда e - натурал логарифм асоси; δ - 0,25 га тенг қилиб олинувчи коэффициент; θ - ўзак ўқининг йиғма айланиш бурчаги, рад; σ_{sp} - йўқотилишларсиз қабул қилинади.	$\sigma_{sp} \left(1 - \frac{1}{e^{\omega x + \delta\theta}} \right),$ бу ерда e - натурал логарифм асоси; $\omega\delta$ - б жадвалга кўра аниқланадиган коэффициент; x - тарангловчи конструкциядан ҳисобий кесимгача бўлган майдоннинг узунлиги, мм; θ - ўзак ўқининг йиғма айланиш бурчаги, рад; σ_{sp} - йўқотилишиз қабул қилинади.
5. Олдиндан зўриқтирилган темирбетон конструкцияларни тайёрлашда пўлат қолипнинг деформацияси	$\eta \frac{\Delta l}{l} E_s,$ бу ерда η - қўйидаги формулалар бўйича аниқланувчи коэффициент: ўзакни домкрат билан таранглашда $\eta = \frac{n - 1}{2n},$ ўзак электротермомеханик усулда таранглаш (50% таранглаш кучи механик усулда барпо қилинади) $\eta = \frac{n - 1}{4n},$ n - турли вақтда тарангланадиган гуруҳ даражалари сони; Δl - қолип деформацияси ҳисобида аниқланган P кучининг ҳаракат	—

Ўзақдаги олдиндан зўриқишнинг йўқотилишини келтириб чиқарувчи омиллар	Тарангланган ўзақнинг олдиндан зўриқишнинг йўқотилиш қиймати, МПа,	
	таянчга	бетонга
	<p>чизиғи бўйича таянчаларнинг яқинлашуви:</p> <p><i>l</i>- таянчаларнинг ташқи қирралари орасидаги масофа.</p> <p>Қолипнинг конструкцияси ва тайёрлаш технологияси ҳақида маълумотлар бўлмаган тақдирда қолип деформациясидан бўладиган йўқотилиш 30 МПа га тенг қилиб олинади.</p> <p>Таранглашнинг электротермик усулида, қолип деформациясидан бўлган йўқотилиш ҳисоблашларда назарга олинмайди, чунки уларни ўзақнинг тўла чўзилишининг очиқлигида назарга олинган.</p>	
<p>6. Тезўтувчи силжувчанлик:</p> <p>а) табиий қотувчи бетон учун</p>	$40 \frac{\sigma_{bp}}{R_{bp}} \quad \text{при} \quad \frac{\sigma_{bp}}{R_{bp}} \leq \alpha;$ $40\alpha + 85\beta \left(\frac{\sigma_{bp}}{R_{bp}} - \alpha \right) \quad \text{при} \quad \frac{\sigma_{bp}}{R_{bp}} > \alpha$ <p>бу ерда α ва β - қўйидагича қабул қилинувчи коэффициентлар: $\alpha \leq 0,25 \leq 0,025 R_{bp}$, аммо 0,8 жан ошмайди $\beta \leq 5,25 \leq 0,185 R_{bp}$, аммо 2,5 дан ошмайди ва камида 1,1; σ_{bp} - мазкур жадвалнинг 1,5 бандни ҳисобга олган ҳолда бўйлама ўзақлар S ва S' ларнинг оғирлик марказлари атҳида аниқланади.</p> <p>Йўқотилишлар мазкур жадвалнинг ба ва зиятдаги ифодалар бўйича ҳисобланиб, олинган натижани 0,85 га тенг коэффициентга кўпайтирилади.</p>	—
<p>б) иссиқлик билан ишлов бериладиган бетонлар учун</p>	<p>Йўқотилишлар мазкур жадвалнинг ба вазиятдаги ифодалар бўйича ҳисобланиб, олинган натижани 0,85 га тенг коэффициентга кўпайтирилади</p>	—
<p>7. Ўзақ зўриқишининг релаксацияси:</p> <p>а) симли</p> <p>б) стерженли</p>	<p>Б. иккиламчи йўқотилишлар</p> <p>—</p> <p>—</p>	$\left(0,22 \frac{\sigma_{sp}}{R_{s,ser}} - 0,1 \right) \sigma_{spr}$ $0,1 \sigma_{sp} - 20$ <p>(мазкур жадвалнинг 1 бандига бўлган тушунтиришга қара)</p>

Ўзакдаги олдиндан зўриқишнинг йўқотилишини келтириб чиқарувчи омиллар	Тарангланган ўзакнинг олдиндан зўриқишнинг йўқотилиш қиймати, МПа,		
	таянчга		бетонга
8. Бетоннинг киришиши (1.26 бандга қара):	Табиий ҳолда қотувчи бетон	Атмосфера босимида иссиқлик билан ишлов берилган бетон	Бетоннинг қотиш шариоитдан қатъий назар
синфли оғир бетон:			
а) В35 ва ундан паст	40	35	30
б) В40	50	40	35
в) В45 ва ундан юқори майда донали бетон гуруҳи:	60	50	40
г) А	Йўқотилишлар мазкур жадвалнинг 8 а,б бандига кўра, 1,3 га тенг коэффийентга кўпайтириши орқали аниқланади.		40
д) Б	Йўқотилишлар мазкур жадвалнинг 8а бандига кўра 1,5 га тенг коэффицентга кўпайтириш орқали аниқлайди.		50
е) В	Йўқотилишлар мазкур жадвалнинг 8а бандига кўра, худди табиий қотувчи оғир бетондаги кабел каби аниқланади		40
енгил бетон, майда тўлдирувчили:			
ж) зич	50	45	40
з) ғовак	70	60	50
9. Бетоннинг силжувчанлиги (1.26 бандга қара):	$\sigma_{bp}/R_{bp} \leq 0,75$ да $150 \alpha \sigma_{bp}/R_{bp}$; $\sigma_{bp}/R_{bp} > 0,75$, да $300 \alpha (\sigma_{bp}/R_{bp} - 0,375)$ бу ерди σ_{bp} - худди 6 банддагидек, аммо мазкуро жадвалнинг 1-8 бандаларидаги йўқотилишлари ҳисобга олган ҳолда; α - куйидагича қабул қилинадиган коэффицент: табиий қотувчи бетонлар учун - 1,00; атмосфера босими остида иссиқлик билан ишлов берилган бетонлар учун - 0,85		
а) оғир ва зич майда тўлдиргичли енгил бетон			
б) майдадонали бетон гуруҳи:			
в) ғовак майда тўлдиргичли енгил бетон			
А	Йўқотилишлар мазкур жадвалнинг 9а бандидаги ифодалар бўйича ҳисобланиб, олинган натижаси 1,3 га тенг коэффицентга кўпайтирилиб аниқланади		
Б	Йўқотилишлар мазкур жадвалнинг 9а бандидаги ифодалар бўйича ҳисобланиб, олинган натижани 1,5 га тенг коэффицентга кўпайтирилиб аниқланади		
В	Йўқотилишлар мазкур жадвалнинг 9а бандидаги формулага кўра $\alpha \leq 0,85$ га тенг ҳолда ҳисобланади		
10. Спирал ёки ҳамда ўзак ўрама остидаги бетоннинг эзилиши (конструкциянинг диаметри 3м гача)	—		$70 - 0,22d_{ext}$, бу ерда d_{ext} - конструкциянинг ташқи диаметри, см.
11. Блоклар орасидаги чокнинг қисмли деформацияси (блоклардан иборат конструкциялар учун)	—		$\frac{n\Delta l}{l} E_s$,

Ўзакдаги олдиндан зўриқишнинг йўқотилишини келтириб чиқарувчи омиллар	Тарангланган ўзакнинг олдиндан зўриқишнинг йўқотилиш қиймати, МПа,	
	таянчга	бетонга
		бу ерда n - тарангланадиган ўзак узунлиги бўйича конструкция ва қолип чоклари ва сони; Δl - чокларнинг қисмланиши; бетон билан тўлдирилган чоклар учун - 0,3 мм; куруқ чоклар учун - 0.5 мм; l - тарангланадиган ўзакнинг узунлиги, мм.
<p><i>Изоҳ: 1. Тарангланадиган ўзак S' даги олдиндан зўриқишнинг йўқотилиши худди S ўзакдаги каби аниқланади.</i></p> <p><i>2. Ўзи зўриқувчан конструкциялар учун бетоннинг киришиши ва силжувчанлигидан бўлган йўқотилиш тажрибавий маълумотларга кўра аниқланади.</i></p>		

5-ЖАДВАЛ

Канал ёки юза	Ўзакнинг ишқаланишидан бўлган йўқотилишларни аниқлаш учун коэффицентлар (4 жадвалнинг 4 бандига қара)		
	ω	δ ўзакнинг кўринишлари	
		боғлам, симарқон	даврий изли стерженлар
1. Канал: металл юзали	0,0030	0,35	0,40
Бикр канал ҳосил қилувчи билан қилинган бетон юзаси	0	0,55	0,65
Худди шундай қайишқоқ канал ҳосил қилувчи билан	0,0015	0,55	0,65
2. Бетон юзаси	0	0,55	0,65

n_p - унсур кесишувида эгилувчи ўзак ўрамалари миқдори.

Ўзакнинг дастлабки зўриқиши зарарини аниқлашда, ҳамда ёриқларни топиш ва қийшайишлар бўйича $\Delta\gamma_{sp}$ миқдорини нолга тенг қилиб олишга рухсат этилади.

1.28. Конструкцияларнинг дастлабки зўриқишлари мўлжалига киритилувчи бетон ва ўзакдаги зўриқишлар ҳамда бетонни дастлабки қисим кучлари қуйидаги кўрсатмаларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Унсур узунна ўқига нисбатан меъёрдаги бўлган кесишувлардаги зўриқишлар қайшиқоқ ашёларга оид қоидалар бўйича аниқланади. Бунда ариқчалар, ўйиқлар ва ҳ.к.лар билан запорлаштирилганини ҳисобга олган ҳолда бетон қирқилишни, ҳамда бетон учун (эгилювчан ва ногилувчан) ўзакнинг ўзак ва бетон қайишқоқлиги модулларининг l га нисбатан кўпайтирилган кесишувни ўз ичига олган келтирилган кесишув қабул қилинади. Агар бетон кесишувлари қисмлари турли синф ва тур бетонларидан бажарилган бўлса, бетон қайиқоқлиги модулларига муносабатдан келиб чиқиб, бир синф ё турга киритилади.


Дастлабки P қисув келтирилган кесишув (1-чизма) оғирлик марказига нисбатан e_{op} ётқизилиши эксцентриситети қуйидаги формула билан аниқланади:

$$P = \sigma_{sp} A_{sp} + \sigma'_{sp} A'_{sp} - \sigma_s A_s - \sigma'_s A'_s; \quad (8)$$

$$e_{op} = \frac{\sigma_{sp} A_{sp} y_{sp} + \sigma'_{sp} A'_{sp} y'_{sp} - \sigma_s A_s y_s - \sigma'_s A'_s y'_s}{P}, \quad (9)$$

бунда σ_s, σ'_s - бетонни қирқишиши ва сирпанчиқлигидан келиб чиқувчи S ва S' га мувофиқ ногилувчан ўзакдаги зўриқишлар;

$y_{sp}, y'_{sp}, y_s, y'_s$ - келтирилган кесишувнинг оғирлик марказидан эгилювчан ва ногилувчан S ва S' (1-чизм.қар.) ўзакка мувофиқ бир шароитда таъсир қилувчи кучлар ётқизилган нуқтагача бўлган масофа.



1-Чизма. Темирбетон унсурнинг кўндаланг кесимидаги ўзакда дастлабки кучланишлар зўриқишлари тузилмаси.

Қинғир қизиқли эгилювчан ўзакда σ_{sp} ва σ'_{sp} ни $\cos\theta$ ва $\cos\theta'$ га мувофиқ кўпайтирилади, бунда θ ва θ' - ўзак унсурнинг унсур узунна ўқига (кўриб чиқиладиган кесишув учун) оғиш бурчаклари.

6-ЖАДВАЛ

Кесимнинг зўриққанлик ҳолати	Ўзакни таранглаш усули	Олдиндан қисилган босқичида бетоннинг узатилиш мустаҳкамлиги σ_{br}/R_{br} ҳиссасидан, ундан сиқилув кучланиши, аммо қуйидагилардан ошмасин ташқи ҳавонинг ҳисобий қишқи температураси, $^{\circ}\text{C}$ минус 40 ва юқори қисувда	
		марказий	номарказий
		1. Зўриқиш ташқи куч таъсирида камаяди ёки ўзгармайди	таянчга бетонга
2. Зўриқиш ташқи куч таъсирида ошади	таянчга бетонга	0,65 0,60	0,70 0,65

* Қисилув кучини босқичма - босқич берилиб тайёрланадиган, пўлат таянч деталлари ва камида зўриқишни узатув зонаси l_p узунликдаги катталикда ўзаклаш ҳажмий коэффициентини $\mu v \geq 0,5\%$ (5.15 бандга қара) бўлган ёрдамчи ўзақлар мавжуд унсурлар учун $\sigma_{br}/R_{br} \geq 1,0$ деб қабул қилишига йўл қўйилади.

ИЗОҲ: 1. Ташқи ҳаво температурасининг ҳисобий қиймати 1.8 банди кўрсатмаларига кўра қабул қилинади.

2. Синфи В7,5-В12,5 бўлган енгил бетонлар учун σ_{br}/R_{br} нинг қийматини узоғи билан 0,3 қабул қилиш лозим.

σ_{sp} ва σ'_{sp} зўриқишларни:

а) бетон қисилиши жараёнида - дастлабки зарарларни ҳисобга олган ҳолда;

б) унсур ишлатилиши жараёнида - биринчи ва иккинчи зарарларни ҳисобга олган ҳолда қабул қиладилар.

σ_s ва σ'_s зўриқишларни қуйидаги миқдорларга баробар қилиб қабул қиладилар:

бетон қисилиши жараёнида - 4 жадвал 6 вазият бўйича тез сирғалувчанликдан келиб чиқадиган зўриқиш зарарлари;

унсур ишлатилиши жараёнида - 4 жадвал 6, 8 ва 9 вазиятлари бўйича бетон киришиши ва сирғалувчанлигидан келиб чиқувчи зўриқиш зарарлари миқдори.

1.29. Бетоннинг σ_{br} дастлабки қисилиш жараёнидаги қисувчи кучи 6 жадвалда кўрсатилган миқдорлардан (R_{br} бетоннинг узатма

мустаҳкамлиги улушларида) ошмаслиги керак.

σ_{br} зўриқишлар 4 жадвал 1-6 вазиятлари бўйича дастлабки зўриқиш зарарларини ҳисобга олган ҳолда ва γ_{sp} , ўзаги таранглик аниқлиги бирга тенг бўлган коэффициентда бетоннинг энг қаттиқ қисилган толаси даражасида аниқланади.

1.30. Ишлатилиш жараёнида (мас.реакторлар, резервуарлар, телеминораларда) бетон қисилган зўриқишларини бошқариб бориш кўзда тутилувчи дастлабки зўриқишли конструкциялар учун эгилувчан ўзақлар бетон билан уланмасдан қабул қилинади, бунда ўзакнинг занглашдан муҳофаза этилиши бўйича самарали чора-тадбирлар кўриш лозим. Ўзакнинг бетон билан улоқсиз дастлабки зўриқишли конструкцияларига ёриққа

чидамлилигининг 1-тоифаси талаблари тадбиқ этилиши керак.

Темирбетоннинг ночизигий хоссаларини назарга олган ҳолда ясси ва ваздор конструкцияларни ҳисоблашнинг умумий ҳолатлари

1.31. Биринчи ва иккинчи гуруҳнинг энг сўнгги ҳолатлари бўйича ясси конструкциялар (устунли деворлар, тўсиқ девор бўлақлари ҳилидаги) ва оғир конструкциялар мўлжалини физик ночизиклик, анизотропия, зарур ҳолларда эса сирпанчиқлик, шикастлар кўпайтиши (узоқ жараёнда) ва геометрик ночизиклик (асосан юпка деворли конструкцияларда)ни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқиладиган зўриқишлар (кучлар), шакл бузилишлари ва жой ўзгаришлари бўйича ишлаб чиқиш лозим бўлади.

Изоҳ. Анизотропия - турли йўналишлар бўйича хоссаларнинг хилма-хиллиги (бу ўринда - сунъий хоссалар). Ортотропия - анизотропиянинг бир тури бўлиб, бунда хоссалар симметриясининг ўзаро уч перпендикуляр яссилик мавжуд бўлади.

1.32. Физик ночизиклик, анизотропия ва сирпанчиқликни зўриқиш ва қийшайишни ўзаро боғлаб турувчи муҳим нисбатларда, ҳамда ашё мустаҳкамлиги ва ёриққа чидамлилиги шароитларида ҳисобга олмоқ лозим бўлади. Бунда унсурлар шакл ўзгартиришининг ёриқ пайдо бўлишидан олдин ва кейинги икки босқичини алоҳида кўрсатиб ўтиш маҳсадга мувофиқдир.

1.33. Ёриқ пайдо бўлгунгача бетон учун, одатда, дилатация таъсирини оширишга ва қисилганда

ва ёпилганда шакл бузилишининг хилма-хиллигини ҳисоб олишга имкон берувчи ночизик ортотроп моделдан фойдаланиш керак. Бетоннинг мазкур омиллари ҳажм бўйича ўртача миқдорда пайдо бўлишини ҳисобга олувчи квазиизотроп моделдан фойдаланишга рухсат этилади. Темирбетон учун бу жараёнда ўзак ва уни қуршаб турган бетоннинг биргаликдаги негизли деформациясидан келиб чиқиш жоиз. ўзакнинг махсус зулфинлар билан жиҳозланмаган уч томонлари бундан мустасно.

Ўзакнинг қавариб чиқиш ҳавфи пайдо бўлганда, аниқ энг кучли сиқув зўриқишини чеклаш керак бўлади.

Изоҳ: Дилатация - қисилганда жисм ҳажмининг ошиши, кўплаб майда ҳамда катта узунликдаги ёриқларининг кўпайиши билан изоҳланади.

1.34. Бетон мустаҳкамлиги шароитида турли йўналиш майдонларидаги зўриқишлар бирикмасини ҳисобга олиш лозим бўлади. Бунинг кучи билан бетоннинг икки ва уч ўқли қисувга қаршилиги бир ўқли қизишдаги мустаҳкамликдан аниқ бўлади, қисув ва ёйилув аралаш келган жойларда эса улардан биринини таъсирига қараганда, озроқ бўлиши мумкин. Зарур ҳолларда зўриқишлар таъсирининг узоқ муддатлилигини эътиборга олиш керак.

Ёриқсиз темирбетон мустаҳкамлигининг шарти мустаҳкамликнинг икки таркибли муҳит сифатидаги материаллардан ташкил толувчи шартлардан келиб чиққан ҳолда тузилиши керак.

1.35. Ёриқ пайдо бўлишининг шарти сифатида икки таркибли муҳитли бетон унсурлари

мустаҳкамлигининг шартидан фойдаланиш лозим.

1.36. Ёриқлар пайдо бўлгандан кейин жойдан жойга кўчишдаги кучлар ёки зўриқишлар боғлиқлигининг ночизиқ ифодаларида умумий манзаранинг анзотроп жисми моделидан фойдаланиш жоиз қуйидаги омиллар ҳисобга олиниши шарт:

ёриқларнинг ўзак ва ёриқлар кесишуви чизиқлари томон оғиш бурчаклари;

ёриқ очилиши ва улар қирғоқларининг силжиши;

ўзак қаттиқлиги: ўқли ўзак - бетоннинг ёриқлар оралиғида йўллар ёки блоклар билан уланишини ҳисобга олиб; тангенциал ўзак - ёриқ чеккаларидаги бетон асоснинг узатмалилигини ва ёриқлардаги ўзакда ўқли ва туртма зўриқишлари ҳисобга олиб;

бетон қаттиқлиги: ёриқлар оралиғида - ўқли кучлар ва силжишга (кесишувчи ёриқлар чизмаси учун пасайтирилади); ёриқларда эни анча кичик бўлган ёриқ қирғоқларини улаш ҳисобига ўқли кучлар ва силжишга;

ёриқлар оралиғида ўзак ва бетоннинг биргаликдаги ўқли деформацияларининг қисман бузилиши.

Ўзакланмаган ёриқли унсурларнинг деформация моделида ёриқлар оралиғидаги бетон қаттиқлигининг ўзи ҳисобга олинади.

Оғма ёриқлар пайдо бўлган ҳолларда оғма ёриқлар устидаги бетон деформацияси хусусиятларини ҳисобга олиш жоиз.

1.37. Очилган ёриқнинг эини ва улар қирғоқларининг ўзаро силжишини турли йўналишлар-даги

бурамаларни силжитишдан келиб чиққан ҳолда аниқлаш зарур. Бу ҳол ёриқлар оралиғидаги масофани ҳисобга олган ва бу силжишларнинг биргаликдаги шартларига риоя қилган ҳолда ҳалиги йўналишларнинг ёриқ қирғоқларини кесиб ўтишига нисбатан содир бўлади.

1.38. Ёриқли ясси ва залворли унсурлар мустаҳкамлиги шартлари қуйидаги қулайликларга асосланиши керак: тан олинадики, емирилиш унсурнинг энг ҳавfli ёриқлар бўйлаб ҳийла чизилиши оқибатида содир бўлади, умуман ўзак бурамаларига кўндаланг жойлашувидан, ва парча ёки блок бетоннинг ёриқлар оралиғида ёки ёриқлар ортида (масалан, ёриқлар четида плиталарини сиқилган зонасида) уваланишидан;

ёйилган ўзак билан уланиш кучларидан юзага келувчи кўндаланг йўналишдаги ёйилиш пайдо бўлгани ҳамда ўзакнинг ёриқ қирғоқларида кўндалангига силжиши туфайлидан бетоннинг сиқувга қаршилиги запорлашади;

бетон мустаҳкамлигини аниқлашда ёриқлар пайдо бўлиш схемалари ва ёриқларнинг ўзакка оғиш бурчаклари аниқланади;

ўзак бурамларида, одатда, уларнинг ўқиға бўйлаб йўналган меъёрдаги зўриқишлар ҳисобга олинади; бурамалар ўз мувофиқлигини ўзгартирмаслигини назарда тутган ҳолда ёрилган жойлардаги ўзакда (нагел таъсири) тўйиниш зўриқувини ҳисобга олишга руҳсат этилади;

шунинг назарда тутиладики, емирилиш ёриғида уни кесувчи барча бурамалар ёйилишга бўлган мўлжалли қаршиликкача етиб

боради (оқимлик чегарасига эга бўлмаган ўзаклар учун зўриқишлар деформация мўлжали жараёнида назорат қилиниши керак).

Бетоннинг турли зоналаридаги мустаҳкамлигини ундаги зўриқишлар бўйича икки таркибли муҳит сифатида баҳоланиши керак (ёриқлардаги зўриқишлар, ўзакнинг бетон билан биргаликдаги ўқли деформацияларининг қисман бузилиши ва уланишини ҳисобга олиб аниқланадиган ёриқлар ўртасидаги ўзақда келтирилган зўриқишлар ҳисобдан чиқариб ташланади).

1.39. Етарли даражадаги пластик деформацияга бардош беришга қодир. Темирбетон конструкцияларининг тутиб турувчи қобилиятини энг кўп мувозанат усули билан аниқлашга йўл қўйилади.

3.25. Марказдан ташқарида қисилган темирбетон унсуларнинг ва ҳисобий узунлигини материалларнинг ноэластик қайишишган ҳолда, юкламаларнинг ушбу унсуручун энг ноқулай ҳолатидаги қайишишини ҳисобга олган ҳолда айнан ром конструкцияли унсулардаги каби аниқлаш тавсия қилинади.

Энг кўп учрайдиган конструкциялар унсулари учун l_0 ҳисобий узунликни қуйидагига тенг, деб қабул қилишга руҳсат берилади:

йиғмаН

яҳлит.....0,7 Н

бунда Н - қават баландлиги (тугунлар марказлари орасидаги масофа);

б) бир қаватли биноларнинг ўзининг текислигида қаттиқ боғланган том ёпмалари (уфкий зўриқишларни узата олувчи) ошиқ-мошиқ таянчли кўтарувчи конструкциялар устунлари, шунингдек, эстакадалар учун - 32 жадвал бўйича;

в) ферма ва арка унсулари учун 33 жадвал бўйича.

МАРКАЗИЙ ЧЎЗИЛГАН УНСУРЛАР

3.26. Марказий чўзилган темирбетон унсулар кесимларини ҳисоблашда қуйидаги шартга риоя қилиш лозим.

$$N \leq R_s A_{s,tot}, \quad (60)$$

бунда $A_{s,tot}$ - бўйлама ўзакнинг тўлиқ кесим юзаси.

ТЎҒРИБУРЧАКЛИ КЕСИМЛИ МАРКАЗДАН ТАШҚАРИДА ЧЎЗИЛГАН УНСУРЛАР

3.27. банд 3.11 да кўрсатилган марказдан ташқарида чўзилган унсурларнинг тўғрибурчакли кесимларини ҳисоблаш бўйлама куч N нинг ҳолатига боғлиқ равишда бажарилиши лозим:

а) агар N бўйлама куч ўзакдаги зўриқишларнинг тенг таъсир қилувчилари S ва S' оралиғига қўйилган бўлса (7. А чизма) - ушбу шартлардан аниқланади:

$$Ne \leq R_s A'_s (h_0 - a'), \quad (61)$$

$$Ne' \leq R_s A_s (h_0 - a'); \quad (62)$$

б) агар N бўйлама куч ўзакдаги зўриқишларнинг тенг таъсир қилувчилари S ва S' орасидаги ма-софадан ташқарига қўйилган бўлса 97. Б чизма), - ушбу шартдан аниқланади:

$$Ne \leq R_b b x (h_0 - 0,5x) + R_{sc} A'_s (h_0 - a'), \quad (63)$$

бунда қисилган соҳа баландлиги x ушбу формуладан аниқланади

$$R_s A_s - R_{sc} A'_s - N = R_b b x. \quad (64)$$

Агар (64) формула бўйича ҳисоблашдан топилган қиймат $x > \xi_R h_0$ бўлса, у ҳолда 963) шартга x қ $\xi_R h$ қўйилади. бунда ξ_R ни (3.120) банднинг кўрсатмаларига мос тарзда аниқланади.

ҲИСОБЛАШНИНГ УМУМИЙ ҲОЛИ (ҲАР ҚАНДАЙ КЕ- СИМЛАРДА, ТАШҚИ

ЗЎРИҚИШЛАРДА ВА ҲАР ҚАНДАЙ ЎЗАКЛАШДА)

3.28. Умумий ҳолда кесимларни ҳисоблаш (8-чизма) ушбу асосида бажарилади

$$M \leq \pm (R_b S_b - \Sigma \sigma_{si} S_{si}), \quad (65)$$

бунда қавс олдидаги «қўшиш» белгиси марказдан ташқаридаги қисилув ва эгилив учун. «айирув» ишораси эса, чўзилув ҳолида ишлатилади.

(65) формулада:

M - эгиливчи унсурларда - ташқи кучлар моментининг қисилган кесим соҳасини чекловчи тўғри чизикқа тик бўлган текисликка проекциясидир;

марказдан ташқарида қисилган ва чўзилган унсурларда - қисилган соҳани чекловчи ва ўтувчи тўғри чизикқа параллел ўққа нисбатан бўйлама куч N нинг моменти;

марказдан ташқарида қисилган унсурларда - бўйлама ўзакнинг энг кўп чўзилган ёки энг кам қисилган таёқчасининг кесими оғирлик марказидан ўтувчи;

марказдан ташқарида чўзилган унсурларда - кўрсатилган тўғри чизикдан энг узокдаги қисилган соҳа нуқтасидан ўтувчи;

S_b - кўрсатилган ўқлардан тегишлисига нисбатан бетоннинг қисилган соҳаси кесим юзасининг статик моменти; бунда эгиладиган унсурлардаги ўқнинг ҳолати айнан марказдан ташқарида қисилган унсурлардаги каби қабул қилинади;

Бинолар ва устунларнинг тавсифномалари				Бирқаватли бинолар устунларини текисликда ҳисоблаганда уларнинг ҳисобий узунлиги l_0			
				Ромга кўндаланг ёки эстакада ўқигатик	текислик кўндаланг ромнинг ёки эстакаданинг ўқига параллел		
					боғланишлар мавжудлигида	боғланишлар йўқлигида	
				устунларнинг ёки зулфинли таянчлар бўйлама катори текислигида			
Бинолар	Кўприк кўтаргичлар билан	Кўтаргич кўшадиган юкламани ҳисобга олганда	Подкрановая (нижняя) часть колонн при подкрановых балках	Қирқимли	1,5 Н ₁	0,8 Н ₁	1,2 Н ₁
				Қирқимсиз	1,2 Н ₁	0,8 Н ₁	0,8 Н ₁
			Кўтаргич тўсинлар мавжудлигида устунларнинг кўтаргич устидаги (юқориги) қисми	Қирқимли	2,0 Н ₂	1,5 Н ₂	2,0 Н ₁
			Қирқимсиз	2,0 Н ₂	1,5 Н ₂	1,5 Н ₂	
		Кўтаргич кўшадиган юкламани ҳисобга олмаганда	Биноларнинг кўтаргичдан пастки (қуйи) қисмидаги устунлар	Бир ораликли	1,5 Н	0,8 Н ₁	1,2 Н
				Кўп ораликли	1,2 Н	0,8 Н ₁	1,2 Н
	Кўтаргич тагида тўсинлар бўлганда кўтаргич устидаги (юқориги) қисм устунлар		Қирқимли	2,5 Н ₂	1,5 Н ₂	2,0 Н ₂	
		Қирқимсиз	2,0 Н ₂	1,5 Н ₂	1,5 Н ₂		
	Колонны ступенчатые	Бинолар устунларининг пастки қисми	Бир ораликли	1,5 Н	0,8 Н	1,2 Н	
			Кўп ораликли	1,2 Н	0,8 Н	1,2 Н	
			Устунларнинг юқориги қисми	2,5 Н ₂	2,0 Н ₂	2,5 Н ₂	
		Биноларнинг доимий кесимли устунлар	Бир ораликли	1,5 Н	0,8 Н	1,2 Н	

Биолар ва устунларнинг тавсифномалари			Бирқаватли биолар устунларини текисликда ҳисоблаганда уларнинг ҳисобий узунлиги l_0			
			Ромга кўндаланг ёки эстакада ўқигатик	текислик кўндаланг ромнинг ёки эстакаданинг ўқига параллел		устунларнинг ёки зулфинли таянчлар бўйлама қатори текислигида
				Кўп оралиқли	1,2 Н	0,8 Н
Эстакадалар	Кўтаргичлар учун	Кўтаргичлар тагига тўсин қўйилганда	Қирқимли	2,0 Н ₁	0,8 Н ₁	1,5 Н ₁
			Қирқимсиз	1,5 Н ₁	0,8 Н ₁	Н ₁
	Кувурўтказгичлар тагига	Устунларни оралиқ курилмалар билан туташтирилганда	Шарнирли	2,0 Н	Н	2,0 Н
			Қаттиқ	1,5 Н	0,7 Н	1,5 Н

31-жадвалда қабул қилинган белгилар:

Н - устуннинг пойдевор сиртидан тегишли текисликдаги уфқий конструкциягача чордоқ тўсини ёки чордоқ тўсини тагидаги тиргак тўлиқ баландлиги;


Н₁ - устуннинг кўтаргич тагидаги қисмининг пойдевор сиртидан кўтаргич тўсини тагига гача баландлиги;

Н₂ - устуннинг кўтаргич устидаги қисмининг унинг остонасидан тегишли текисликдаги уфқий конструкциягача баландлиги.

ИЗОХ: Кўприк кўтаргичли биоларда устунларнинг учига гача боғланишлар мавжуд бўлса, устунларнинг кўтаргич устидаги қисмининг ҳисобий узунлигини устунларнинг бўйлама қатори ёки текислигида Н₂га тенг деб қабул қилинади.

σ_{si} - бўйлама ўзак i - таёқчаси кесим юзасининг кўрсатилган ўқлардан тегишлисига нисбатан статик моменти;

σ_{si} - бўйлама ўзакнинг i - таёқчасидаги, ушбу банднинг кўрсатмалари асосида аниқланувчи кучланиш.



7-чизма. Темирбетон унсурни унинг мустаҳкамлиги бўйича ҳисоблашда марказдан ташқарида чўзилган унсурда унинг бўйлама ўқига тик кесимидаги зўриқишлар ва кучланиш эпюралари тузилмаси:


а - бўйлама N куч S ва S' ўзаклардаги зўриқишлар тенг таъсир қилувчилар орасига таъсир қилади; б - ўшанинг ўзи, S ва S' ўзаклардаги зўриқишлар тенг таъсир қилувчиларилари орасидаги масофадан ташқарида.

Сиқилган соҳанинг баландлиги x ва σ_{si} кучланиш ушбу тенгламаларни биргаликда ечишдан топилади:

$$R_b A_b - \sum \sigma_{si} A_{si} \pm N = 0 \quad (66)$$

$$\sigma_{si} = \frac{\sigma_{sc,u}}{1 - \frac{w}{1,1}} \left(\frac{\omega}{\xi_i} - 1 \right) + \sigma_{spi} \quad (67)$$

(66) тенгламада N олдидаги «айириш» ишораси марказдан ташқарида қисилган унсурлар учун «кўшиш» ишораси марказдан ташқарида чўзилган унсурлар учун қабул қилинади.



8-чизма. Мустаҳкамлик бўйича ҳисоблашнинг умумий ҳолида. Темирбетон унсурнинг бўйлама ўқига тик кесимидаги зўриқиш ва кучланиш эпюралари тузилмаси.

1-1 - эгувчи момент таъсири текислигига параллел текислик ёки бўйлама кучнинг ҳамда ички сиқувчи ва чўзувчи зўриқишлар тенг таъсир қилувчилари кўйилиш нуқталаридан ўтувчи текислик; 1 - қисилган ўзакдаги ва бетоннинг қисилган соҳасидаги зўриқишлар тенг таъсир қилувчилари кўйилган нуқта; 2 - чўзилган ўзакдаги зўриқишлар тенг таъсир қилувчилари кўйилган нуқта.

Бундан ташқари, қия эгилувда қисилган соҳа чегараси ҳолатини аниқлаш учун ташқи ва ички кучлар таъсир моментлари текисликларининг параллеллиги кўшимча шартига риоя қилиш, марказдан ташқарида қия қисилув ёки чўзилувда эса, ташқи бўйлама кучнинг. Бетон ва ўзакдаги қисувчи зўриқишлар тенг таъсир қилувчисининг ва чўзилган ўзакдаги зўриқишлар тенг таъсир қилувчисининг (ёки ташқи бўйлама кучнинг. Бетондаги қисувчи зўриқишлар тенг таъсир қилувчисининг) кўйилиш нуқталари

битта тўғри чизикда жойлашишлари лозим (8-чизмага қ.).

σ_{si} нинг (67) формуладан топилган қиймати А-IV, А-V, А-VI, Ат-VII, В-II, Вр-II К-7 ва К-19 синфлардаги ўзак учун βR_{si} дан ортиқ бўлса, у ҳолда кучланиш σ_{si} ни ушбу формуладан аниқлаш лозим.

$$\sigma_{si} = \left[\beta + (1 - \beta) \frac{\xi_{eli} - \xi_i}{\xi_{eli} - \xi_{Ri}} \right] R_{si}. \quad (68)$$

(68) формуладан топилган ўзакдаги кучланиш γ_{s6} доимийни ҳисобга олмаган ҳолда R_{si} дан ортиқ бўлган ҳолда (65) ва (66) шартларга кўра, иш шароитлари тегишли доимийларини, жумладан, σ_{si} ни ҳам ҳисобга олган ҳолда, R_{si} га тенг бўлган γ_{s6} қиймат қўйилади (3.12. бандга қ.).

32-ЖАДВАЛ

Унсурларнинг номлари	Ферма ва равоқлар унсурларининг ҳисобий узунлиги l_0
1. Фермалар унсурлари: а) ҳисоблашда юқориги белбоғ: ферма текислигида: $e_0 < 1/8h1$ да $e_0 \geq 1/8h1$ да ферма текислигидан: ойнабанд том тагидаги майдонча учун (ойнабанд томнинг кенлиги 12м ва ундан ортиқ бўлганда) қолган ҳолларда б) ҳисоблашда ховон ва тирговичлар: ферма текислигида: ферма текислигидан: $b_1/b_2 < 1,5$ $b_1/b_2 \geq 1,5$	0,9 l 0,8 l 0,8 l 0,9 l 0,8 l 0,9 l 0,8 l
2. Равоқлар: а) равоқ текислигида ҳисобланганда: уч ошиқ-мошиқли икки ошиқ-мошиқли ошиқ-мошиқсиз б) равоқ текислигидан ҳисобланганда (хар қандайиз)	0,580L 0,540L 0,365L L

32-жадвалда қабул қилинган белгилар:
 l - унсурнинг ёндош тугунлари марказлари орасидаги масофа, ферманинг юқориги белбоғи учун эса, ферма текислигидан ҳисобланганда - унинг маҳкамланиш нуқталари орасидаги масофа;
 L - равоқнинг унинг геометрик ўқи бўйича узунлиги; равоқ текислигидан ҳисобланганда - равоқ

текислигидан унинг маҳкамланиш нуқталари орасидаги равоқ узунлиги;
 h_1 - юқори белбоғ кесимининг баландлиги;
 b_1, b_2 - ферманинг тегишлича юқори белбоғи ва тирговучи (ховони) кесими кенлиги.

Кучланиш σ_{si} ни ҳисоблаш формулаларига. (67) ва (68) формулалар бўйича ҳисоблашда топилган ўз ишораси билан киритилиб, бунда қуйидаги шартларга риоя қилиш лозим:

$$\text{барча ҳолларда } R_{si} \geq \sigma_{si} \geq -R_{sci};$$

даставвал зўриктирилган унсурлар учун $\sigma_{si} > \sigma_{sci}$ бунда σ_{sci} - катталиқ σ'_{spi} қадар камайтирилган дастлабки кучланиш $\sigma_{sc,u}$ га тенг бўлган ўзакдаги кучланиш (3.12 ва 3.22 бандларга қ.).

(66) - (68) формулаларда:

A_{si} - бўйлама ўзак i - таёқчасининг кесим юзаси;

σ_{spi} - доимий γ_{sp} таркибига кирувчи, таёқчанинг жойлашувига боғлиқ тарзда киритилувчи. бўйлама ўзак i - таёқчасидаги дастлабки кучланиш;

ξ_i - бетон қисилган соҳасининг, $\xi_i = \frac{x}{h_{oi}}$, га тенг бўлган нисбий баландлиги, бунда h_{oi} - ўзакнинг қаралаётган i - таёқчаси кесимининг оғирлик марказидан ўтувчи ва қисилган соҳани чегараловчи чизикқа параллел ўқдан кесимнинг қисилган соҳасидаги энг узокдаги нуқтагача бўлган масофа (8-чизмага қаранг);

ω - бетон қисилган соҳасининг (26) ёки (56) формулалар бўйича аниқланувчи тавсифномаси;

ξ_{Ri}, ξ_{eli} - қаралаётган таёқчадаги қисилган соҳадаги кучланишларнинг тегишлича R_{si} ва βR_{si} ларга тенг қийматларга эришувига мос келувчи нисбий баландлик; ξ_{Ri} ва ξ_{eli}

қийматлар ушбу формуладан аниқланадилар:

$$\xi_{Ri(eli)} = \frac{\omega}{1 + \frac{\sigma_{s,Ri(eli)}}{\sigma_{sc,u}} \left(1 - \frac{\omega}{1,1}\right)}, \quad (69)$$

бунда $\sigma_{s,Ri} \leq R_{si} \leq 400 - \sigma_{spi} - \Delta\sigma_{spi}$, ни аниқлашда формула ξ_{Ri} МПа;

$\sigma_{s,eli} \leq \beta R_{si} - \sigma_{spi}$ ни аниқлашда формула ξ_{eli} МПа;

формула $\sigma_{sc,u}$ ҳақида 3.12 ва 3.22 бандлардан қаранг.

$\Delta\sigma_{spi}$ ва β доимийнинг қийматлари қуйидагича аниқланади:

A-IV, A-V, A-VI ва Ат-VII синфли ўзакларни дастлабки зўриқтиришнинг механикавий. Шунингдек автоматлаштирилган электротермик ва электротермомеханик усулларида ушбу формулалардан:

$$\Delta\sigma_{spi} = 1500 \frac{\sigma_{spi}}{R_{si}} - 1200 \geq 0; \quad (70)$$

$$\beta = 0,5 \frac{\sigma_{spi}}{R_{si}} + 0,4 \geq 0,8; \quad (71)$$

A-IV, A-V, A-VI ва Ат-VII синфли ўзакларни дастлабки зўриқтиришнинг бошқа усулларида. Шунингдек, B-II, Вр-II, К-7 ва К-19 синфли ўзакларни зўриқ-тиришнинг ҳар қандай усулларида $\Delta\sigma_{spi} \leq 0$, доимий $\beta \leq 0,8$ қийматларга эгадирлар.

(70) ва (71) формулаларда σ_{spi} қийматини (5) жадвалнинг 3-5 вазиятлари бўйича йўқотишларни ҳисобга олувчи $\gamma_{sp} < 1,0$ доимий ҳоли учун қабул қилинади.

Изоҳ: i индекс ўзак таёқчасининг тартиб рақамини кўрсатади

УНСУРНИНГ БЎЙЛАМА ЎҚИГА ҚИЯ ЖОЙЛАШГАН

КЕСИМЛАРНИ МУ- СТАҲКАМЛИККА ҲИСОБЛАШ

3.29. Темирбетон унсурларни қия кесимлар бўйича ҳисоблаш қуйидаги ҳолларда мустаҳкамликни таъминлаш учун бажарилиши лозим:

кўндаланг кучнинг қия дарзлар орасидаги қия соҳа бўйича таъсирида (3.30 бандга қ.);

кўндаланг кучнинг қия дарзга таъсирида (3.31* - 3.33 бандларга қ.);

кўндаланг кучнинг юк ва таянч орасидаги қия қисилган соҳа бўйича таъсирида (устунларнинг қисқа рафақлари учун; 3.34 бандга қ.);

қия дарз бўйича эгувчи момент таъсирида (3.35 бандга қ.).

3.30. Темирбетон унсурларни қия дарзлар орасидаги қия соҳа бўйича мустаҳкамликни таъминлаш учун кўндаланг куч таъсирига ҳисоблаш қуйидаги шарт асосида бажарилиши лозим;

$$Q \leq 0,3 \varphi_{w1} \varphi_{b1} R_b b h_0. \quad (72)$$

Унсурнинг кўндаланг ўқига тик қисқичларнинг таъсирини ҳисобга олувчи φ_{w1} доимийни ушбу формуладан аниқланади.

$$\varphi_{w1} = 1 + 5a\mu_w, \quad (73)$$

лекин у 1.3 дан катта эмас,

$$\text{бунда} \quad a = \frac{E_s}{E_b}, \quad \mu_w = \frac{A_{sw}}{bs}.$$

φ_{b1} доимий ушбу формуладан аниқланади

$$\varphi_{b1} = 1 - \beta R_b, \quad (74)$$

бунда β - бетон учун қуйидагиларга тенг бўлган доимий:


оғир, майда кумоқ

ва шўъбадор.....0,01
 енгил.....0,02

R_b - МПа ларда.

3.31. Кўндаланг ўзакли темирбетон унсурларни кўндаланг куч таъсирига қия дарз бўйича мустаҳкамлигини таъминлаш учун ҳисоблашни ушбу шарт асосида энг ҳавфли қия кесим бўйича бажариш лозим:

$$Q < Q_b K Q_{sw} K Q_{s,inc} \quad (75)$$



9-чизма. Темирбетон унсурни кўндаланг куч таъсирига мустаҳкамлигини ҳисоблашда унинг кўндаланг ўқиға қия кесимидаги зўриқишлар тузилмаси.

(75) шартдаги кўндаланг кучни қаралаётган қия кесимнинг бир томонида жойлашган ташқи юклама учун аниқланади.

Бетонга таъсир қилувчи Q_b кўндаланг зўриқишни ушбу формуладан аниқланади.

$$Q_b = \frac{\varphi_{b2} (1 + \varphi_f + \varphi_n) R_{bt} b h_0^2}{c} \quad (76)$$

бунда c - энг ҳавфли қия кесимнинг унсур бўйлама ўқиға проекцияси узунлиги.

Бетон турининг таъсирини ҳисобга олувчи φ_{b2} доимий турлича бетонлар учун қуйидагига тенг деб қабул қилинади:

Оғир ва шўъбадор.....2,00
 майда қумоқ.....1,70
 енгили ўртача зичлик бўйича турлича тамғаларда:

D 1900 ва каттароқ.....1,90

D 1800 ва камроқ, майда

тўлдиргичларда:

зич.....1,75

ғовак.....1,50

Таврли ва иккитаврли унсурлардаги қисилган токчаларнинг таъсирини φ_f доимийни ушбу формуладан аниқланади:

$$\varphi_f = 0,75 \frac{(b'_f - b) h'_f}{b h_0} \quad (77)$$

бирок, у 0,5 дан катта эмас.

Бунда b'_f ни $b K 3 h'_f$ дан катта эмас, кўндаланг ўзак эса, токчада зулфинланиши лозим.

Кўндаланг кучларнинг таъсирини ҳисобга олувчи φ_n доимийни ушбу формулалардан аниқланади:

қисувчи бўйлама кучлар таъсир қилганда

$$\varphi_n = 0,1 \frac{N}{R_{bt} b h_0} \quad (78)$$

бирок, у 0,5 дан катта эмас;

даставвал зўриктирилган унсурлар учун (78) формулага N ўрнига P дастлабки қисувнинг зўриқиши қўйилади; бўйлама қисувчи кучларнинг мусбат таъсири, агар улар ишораси жиҳатдан кўндаланг юкламанинг таъсир моментлари билан бирдай эгувчи моментлар ҳосил қилсалар, ҳисобга олинмайдилар;

бўйлама чўзувчи кучлар таъсир қилганда

$$\varphi_n = -0,2 \frac{N}{R_{bt} b h_0}, \quad (79)$$

бирок мутлоқ катталиги жиҳатдан 0,8 дан катта эмас.

Бирча ҳолларда $1K\varphi_f K\varphi_n$ нинг қиймати учун 1,5 дан катта бўлмаган сон қабул қилинади.

Q_b нинг (76) формуладан ҳисобланган қиймати камида $\varphi_{b3}(1K\varphi_f K\varphi_n) R_{bt} b h_0$ га тенг. Деб қабул қилинади.

Бетон учун φ_{b3} доимийни куйидагига тенг, деб олинади:

оғир ва шўъбадор.....0,6

майда қумоқ.....0,5

енгил. Ўртача зичлиги бўйича

куйидаги тамғаларда:

D 1900 ва каттароқ.....0,5

D 1800 ва кичикроқ.....0,4

Кўндаланг ўзакли темирбетон унсурларни ҳисоблашда, шунингдек қисқичлар орасидаги, таянч ва эгик орасидаги ҳамда эгиклар орасидаги қисмларида ҳам қия кесим бўйича мустаҳкамлик таъминланиши лозим.

Q_{sw} ва $Q_{s,inc}$ кўндаланг зўриқишлар ҳавфли қия дарзни кесиб ўтувчи қисқичлар ва эгиклардаги тегишли чегаравий зўриқишларнинг унсурнинг бўйлама ўқига ўтказилган нормалга проекциялари йиғиндиси тарзида аниқланадилар.

Ҳавфли қия дарзнинг унсур бўйлама ўқига проекциясининг C_o узунлиги $Q_b K Q_{sw} K Q_{s,inc}$ ифоданинг энг кичик қийматидан аниқланиб, унда Q_b нинг қиймат C ўрнига C_o қўйилади; C_o нинг ҳосил бўлувчи қиймати, $C > h_o$ бўлганда, $2h_o$ ва C

қийматлар катта бўлмагани ҳолда, шунингдек, h_o дан кичик ҳам бўлмайди.

Унсур бўйлама ўқига тик ҳамда қаралаётган қия кесим чегараларида доимий қадамга эга бўлган қисқичлар тарзидаги кўндаланг ўзакли унсурлар учун C_o нинг қиймати формулага бўйича аниқланувчи $Q_b K Q_{sw}$ ифоданинг энг кичик қийматига мос келади.

$$c_o = \sqrt{\frac{\varphi_{b2}(1 + \varphi_n + \varphi_f) R_{bt} b h_0^2}{q_{sw}}}, \quad (80)$$

(80) ифоданинг q_{sw} - унсурнинг узунлик бирлигига тўғри келувчи қисқичлардаги зўриқиш бўлиб, у ушбу формуладан аниқланади.

$$q_{sw} = \frac{R_{sw} A_{sw}}{s}. \quad (81)$$

Бундай унсурлар учун Q_{sw} кўнадаланг зўриқиш ушбу формуладан аниқланади:

$$Q_{sw} K q_{sw} C_o \quad (82)$$

Бунда. Ҳисобий аниқланувчи қисқичлар учун ушбу шарт қаноатлантирилиши лозим:

$$q_{sw} \geq \frac{\varphi_{b3}(1 + \varphi_n + \varphi_f) R_{bt} b}{2}. \quad (83)$$

Бундан ташқари, кўндаланг ўзак 5.26-5.28 бандлар талабларини қаноатлантирилиши лозим.

Зўриқтирилмайдиган чўзилган бўйлама ўзак сифатида А-IV ва А-IIIв синфли ёки 9аралаш ўзаклашда) А-V, А-VI ҳамда Ат-VII синфли таёқча ўзақлар қўлланила-диган конструкцияларни ҳисоблашда φ_{b2} , φ_{b3} , шунингдек φ_{b4} доимийларни (3.32 б.) 0,8 га кўпайтириш лозим.

3.32. Кўндаланг ўзаксиз темир-бетон унсурларни кўндаланг куч таъсирига ҳисоблашни, қия дарз бўйича мустаҳкамликни таъминлаш, учун, уни энг ҳавфли қия кесим бўйича ушбу шарт асосида бажариш лозим:

$$Q \leq \frac{\varphi_{b4}(1 + \varphi_n)R_{bt}bh^2_0}{c}, \quad (84)$$

бунда (84) шартнинг ўнг қисми $2,5 R_{bt} bh_0$ катта эмас, ҳамда $\varphi_{b3}(1K\varphi_n)R_{bt}bh_0$ дан кичик эмас, деб қабул қилинади.

Турли ҳил бетонлар учун φ_{b4} доимийни қуйидагига тенг деб қабул қилинади:

- оғир ва шўъбадор.....1,5
- майда кумоқ.....1,2
- Ўртача зичлик бўйича:
- D 1900 ва ортиқроқ.....1,2
- D 1800 ва кичикроқ.....1,0

φ_{b3} ва φ_n доимийлар, шунингдек (84) шартдаги Q ва C қийматлар 3.31 банднинг кўрсатмалари асосида аниқланадилар.

Кўндаланг кучлар таъсирининг қаралаётган соҳасида тик дарзлар бўлмаганда, яъни $R_{bt,ser}$ ва R_{bt} га алмаштирганда (124) шарт бажарилса, у ҳолда $R_{bt,ser}$ и $R_{b,ser}$ ларни тегишлича R_{bt} и R_b алмаштирган ҳолда (141) шарт бўйича ҳисобланганда, унсур мустаҳкамлигининг ортишини назарга олишга рухсат берилади.

3.33. Қия қисилган томонли темирбетон унсурларни (10-чизма) қия дарзда мустаҳкамликни таъминлаш учун кўндаланг куч таъсирини ҳисоблаш 3.31 ва 3.32 бандлар кўрсатмаларига мос тарзда

бажарилади. Бунда, ҳисоблашда қаралаётган қия кесим чегараларида ишчи баландлик сифатида: кўндаланг ўзакли унсурлар учун h_0 нинг энг катта қиймати, кўндаланг ўзаксиз унсурлар учун h_0 нинг ўртача қиймати олинади.



10-чизма. Қия қисилган томонли темир-бетон тўсинларни ҳисоблаш учун тўзилма.

3.34. Унсурларнинг қисқа темирбетон рафақларини ($l \leq 0,9 h_0$; 11-чизма) лок билан таянч орасидаги қия қисилган соҳада мустаҳкамликни таъминлаш учун кўндаланг куч таъсирини ҳисоблаш қуйидаги шарт асосида бажарилиши лозим:

$$Q \leq 0,8\varphi_{w2}R_b l_b \sin\theta, \quad (85)$$

бунда (85) шартнинг ўнг томони $3,5 R_{bt} bh_0$ дан катта эмас ҳамда (84) шартнинг ўнг қисмидан кичик бўлмайди, деб қабул қилинади; θ - ҳисобий қисилган соҳанинг уфққа қиялиги бурчаги.


Қия қисилган соҳанинг l_b кенглиги ушбу формуладан аниқланади:

$$l_b \leq l_{sup} \sin\theta \quad (86)$$

бунда l_{sup} рафақ қулочи бўйлаб юкламани узатиш майдончаси узунлиги.

l_{sup} узунликни аниқлашда конструкцияларнинг рафақларга таянинининг турлича тузилмаларида юкламанинг узатилиши хусусиятларини ҳисобга олиш лозим (рафақнинг қулочи бўйлаб жойлашган

эркин таянган ёки қисилган тўсинлар; рафақ қулочига кўндаланг жойлашган тўсинлар ва ҳоказо).



11-чизма. Қисқа рафақларни ҳисоблаш учун тузилма.

Рафақ баландлиги бўйича тойлашган қисқичларнинг таъсирини ҳисобга олувчи φ_{w2} доимийни ушбу формуладан аниқланади

$$\varphi_{w2} = 1 + 5a\mu_{w1}, \quad (87)$$

бунда формула $a = \frac{E_s}{E_b}$; $\mu_{w1} = \frac{A_{sw}}{bs_w}$;

A_{sw} - қисқичларнинг битта текисликтаги кесим юзаси;

s_w - қисқичларга ўтказилган тиклар бўйича ҳисобланган қисқичлар орасидаги масофа.


Бунда уфқий ва уфққа 45° дан отиқ бўлмаган бурчак остида қия қисқичлар ҳисобга олинган.

Устунлар қисқа рафақларини кўндалангига ўзаклашда 5.30 банд талаблари қаноатлантирилиши лозим.

3.35. Темирбетон унсурларни қия дарз бўйича мустаҳкамлигини эгувчи момент таъсирига ҳисоблаш ушбу формула (88) шартга кўра ҳавфли қия кесим бўйича бажарилиши лозим:

$$M \leq M_s K M_{sw} K M_{s,inc}. \quad (88)$$

(88) шартдаги M моментни қаралаётган қия кесим билан бир томонда жойлашган ташқи юкламанинг момент таъсири текислигига тик ва қисилган соҳадаги N_b зўриқишларнинг тенг таъсир ҳилувчиси қўйилган нуқтадан ўтувчи ўққа нисбатан аниқланади.



12-чизма. Темирбетон унсурни эгувчи момент таъсирига мустаҳкамликни ҳисоблашда унинг бўйлама ўқига қия кесимдаги зўриқишлар тузилмаси.

M_s , M_{sw} и $M_{s,inc}$ моментларни қия кесимнинг чўзилган соҳасини кесиб ўтувчи бўйлама ўзакдаги, қисқичлардаги ва эгиклардаги тегишли зўриқишларнинг ўша ўққа нисбатан моментлари йиғиндиси сифатида аниқланадилар.

Қия кесимни кесиб ўтувчи зўриқишларни аниқлашда, унинг қия кесимга зулфинланишини назарга олиш лозимдир.

Қия кесимнинг қисилган соҳаси баландлиги қисилган соҳа бетонидаги ва қия кесимнинг чўзилган соҳасини кесиб ўтувчи ўзакдаги зўриқишларнинг унсурнинг бўйлама

ўқига проекцияларининг мувозанати шартдан аниқланади.

Қия кесимларни момент таъсирига ҳисоблашни бўйлама ўзакнинг узилиш ёки эгилиш жойларида, шунингдек. Тўсинларнинг таянчи соҳалари яқинида ва зулфинларнинг эркин четлари яқинида бажарилади. Бундан ташқари, қия кесимларни момент таъсирига ҳисоблашни унсур шаклининг кескин ўзгариши юз берган (кесилишлар ва ш.к.) жойлар учун бажарилади.

Унсурларнинг таянч яқинидаги соҳаларда қия кесимнинг чўзилган соҳасини кесиб ўтувчи бўйлама ўзак сезадиган M_s моментни ушбу формуладан аниқланади:

$$M_s \kappa R_s A_s z_s, \quad (89)$$

бунда A_s - қия кесимни кесиб ўтувчи бўйлама ўзакнинг кесим юзаси;

z_s - бўйлама ўзакдаги зўриқишлар тенг таъсир қилувчисидан қисилган соҳадаги зўриқишлар тенг таъсир қилувчисигача бўлган масофа.

Бўйлама ўзакда зулфинланиш бўлмаган ҳолда ўзакнинг чўзилишга R_s ҳисобий қаршиликлари унинг қия кесимни кесиб ўтиш жойида 24 жадвалнинг 5 вазиятига кўра пасайган тарзда қабул қилинади.

Шўъбадор бетондан ясалувчи конструкциялар. Зўриқишлар фақат кўндаланг зулфинларнинг таянч яқини соҳалардаги ишини эътиборга олган ҳолда ҳисоблаш орқали аниқланиши лозим.

Унсурнинг бўйлама ўқига тик қаралаётган қия кесимнинг чўзилган

соҳаси доирасида текис қадамли қисқич сезадиган M_{sw} , моментни ушбу формуладан аниқланади

$$M_{sw} = q_{sw} \frac{c^2}{2}, \quad (90)$$

бунда q_{sw} - формула (81) бўйича аниқланувчи. унсурнинг узунлик бирлигидаги қисқичлардаги зўриқишлар;

C^2 - энг ҳавфли қия кесимнинг унсур бўйлама ўқига проекцияси узунлиги.

ФАЗОВИЙ КЕСИМЛАРНИ МУСТАҲҚАМЛИККА ҲИСОБЛАШ (ЭГИЛИБ БУРАЛИШДА ЭГУЛУВЧИ УНСУРЛАР)

3.36. Фазовий кесимларни ҳисоблашда зўриқишларни қуйидаги шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади:

бетоннинг чўзилишга қаршилиги нолга тенг. деб қабул қилинади;

фазовий кесимнинг қисилган соҳаси, шартли равишда, унсурнинг бўйлама ўқига бурчак остида жойлашган текислик тарзда. Бетоннинг қисувга қаршилигини эса. қисилган соҳа бўйича текис тақсимланган $R_b \sin^2 \theta$ кучланишлар тарзида тасаввур қилинади;

қаралаётган фазовий кесимнинг чўзилган соҳасини кесиб ўтувчи бўйлама ва кўндаланг ўзакдаги чўзувчи кучланишлар тегишлича R_s ва R_{sw} ҳисобий қаршиликларга тенг, деб қабул қилинади;

қисилган соҳада жойлашган ўзакдаги кучланиш зўриқтирилмаган ўзак учун R_{sc} га тенг деб, зўриқтирилганлари учун эса. 3.14

банд кўрсатмаларига мос тарзда қабул қилинади.

ТЎҒРИБУРЧАКЛИ КЕСИМЛИ УНСУРЛАР

3.37. Буралишда эгилювчи унсурларни ҳисоблашда. Ушбу шартга риоя қилиш лозим:


$$T \leq 0,1R_b b^2 h, \quad (91)$$

бунда b, h - унсурнинг тегишлича кичик ва катта қирралари.

Бунда В30 синфдан юқори синфлардаги бетон учун R_b нинг қиймати В30 синфдаги бетон учун қиймат тарзида қабул қилинади.

3.38. Фазовий кесимларнинг мустаҳкамлик бўйича ҳисоби (13-чизма) ушбу шарт асосида бажарилиши лозим

$$T \leq R_s A_s \frac{1 + \varphi_w \delta \lambda^2}{\varphi_q \lambda + \chi} (h_0 - 0,5x). \quad (92)$$



13-чизма. Буралишда зиловга ишловчи темирбетон унсурни мустаҳкамликка ҳисолашда фазовий кесимдаги зўриқишлар тузилмаси

Қисилган соҳанинг x баландлиги ушбу шартдан аниқланади:


$$R_s A_s - R_{sc} A'_{s} \leq R_b b x. \quad (93).$$

Ҳисоблашни фазовий кесим қисилган соҳаси жойлашувининг учта ҳисобий тузилмаси учун бажарилиши лозим:

1-тузилма - унсурнинг эгилишдан қисилган қирраси яқинида (14, а чизма);

2-тузилма - унсурнинг эгувчи момент таъсир қилаётган текисликка параллел қиррасида (14, б чизма);

3-тузилма - унсурнинг эгилишдан чўзилган қирраси яқинида (14, в чизма).



14-чизма. Фазовий кесим қисилган соҳасининг жойлашуви тузилмалари а - унсурнинг эгилишдан қисилган қирраси яқинида; б - унсурнинг эгувчи момент таъсир қилаётган текисликка параллел қирраси яқинида; в - унсурнинг эгилювдан чўзилган қирраси яқинида.

(92) ва (93) формулаларда:

A_s, A'_{s} - муайян ҳисобий тузилмада тегишлича чўзилган ва қисилган соҳаларда жойлашган бўйлама ўзақларнинг кўндаланг кесим юзалари;

b, h - унсурнинг қисилган соҳасини чекловчи чизикқа тегишлича параллел ва тик бўлган қирралари ўлчамлари:

$$\delta = \frac{b}{2h + b}; \quad (94)$$

$$\lambda = \frac{c}{b}; \quad (95)$$

бунда C - қисилган соҳани чекловчи чизикнинг унсурнинг бўйлама ўқиға проекцияси узунлиги; ҳисоблашни C нинг кетма-кет яқинлашув асосида аниқланувчи ва кўпи билан $2hKb$ деб қабул қилинувчи энг ҳавфли қиймати учун бажарилади.

(92) формуладаги таъсир қилувчи T , M ва Q зўриқишлар орасидаги муносабатни тавсифловчи χ ва φ_q қийматлар қабул қилинади:

эгувчи момент бўлмаганда $\chi \approx 0$ $\varphi_q \approx 1$; 1-тузилма бўйича ҳисоблашда

$$\chi = \frac{M}{T} \varphi_q \approx 1;$$

2-тузилма бўйича ҳисоблашда

$$\chi \approx 0 \quad \varphi_q \approx 1 - \frac{KQh}{2T};$$

3-тузилма бўйича

$$\chi \approx \frac{M}{T} \varphi_q \approx 1.$$

Буровчи момент T ни, эгувчи момент M ни ва кўндаланг куч Q ни унсурнинг бўйлама ўқиға тик ва фазовий кесимнинг қисилган соҳаси оғирлик марказидан ўтувчи кесим учун олинади.

Кўндаланг ва бўйлама ўзак орасидаги нисбатни тавсифловчи φ_w доимийнинг қийматлари ушбу формуладан аниқланади:

$$\varphi_w = \frac{R_{sw} A_{sw}}{R_s A_s} \frac{b}{s} \quad (96)$$

бунда A_{sw} - қаралаётган ҳисобий тузилма учун чўзилган деб қаралувчи қирра яқинида жойлашган қисқичнинг битта ўзаги кесим юзаси;

s - юқорида кўрсатилган қисқичлар орасидаги масофа.

Бунда φ_w қийматларини қуйидагича қабул қилинади:

камида

$$\varphi_{w,\min} = \frac{0,5}{1 + M / 2\varphi_w M_u} \quad (97)$$

ҳамда кўпи билан

$$\varphi_{w,\max} = 1,5 \left(1 - \frac{M}{M_u} \right), \quad (98)$$

бунда M - эгувчи момент бўлиб. Уни 2-тузилма учун нолга тенг деб, 3-тузилма учун эса, «минус» ишора билан қабул қилинади;

M_u - унсурнинг тик кесими қабул қилувчи чегаравий эгувчи момент.

Агар φ_w нинг (96) формуладан ҳисобланган қиймати $\varphi_{w,\min}$ дик кичик бўлса, у ҳолда $R_s A_s$ зўриқишнинг (92) ва (93) формулаларга киритилувчи қиймати $\varphi_w / \varphi_{w,\min}$ нисбатга кўпайтирилади:

$$T \leq 0,5Qb \quad (99)$$

шарт қаноатлантириладиган ҳолда, 2-тузилма бўйича ҳисоблаш ўрнига ушбу

$$Q \leq Q_{sw} + Q_b - \frac{3T}{b}. \quad (100)$$

шарт бўйича ҳисобланади.

(99) ва (100) формулаларда:

b - эгилув текислигига тик кесим қирраси кенглиги;

Q_{sw}, Q_b лар - банд 3.31 кўрсатмаларига мос тарзда аниқланадилар.

ТЕМИРБЕТОН УНСУРЛАРНИ ЮКЛАМАЛАРНИНГ

МАҲАЛЛИЙ ТАЪСИРИГА ҲИСОБЛАШ

МАҲАЛЛИЙ ҚИСУВГА ҲИСОБЛАШ

3.39. Кўндалангига ўзакланмаган унсурларни маҳаллий қисувга (эзувга) ҳисоблашда ушбу шарт бажарилишни лозим:

$$N \leq \psi R_{b,loc} A_{loc1}, \quad (101)$$

бунда N - маҳаллий юклама томонидан ҳосил қилинган бўйлама қисувчи куч;

A_{loc1} - эзилиш юзаси (15-чизма);

ψ - маҳаллий юкламанинг эзилиш юзаси бўйича тақсимланиш хусусиятига боғлиқ бўлган доимий бўлиб, уни қуйидагиларга тенг, деб қабул қилинади:

юклама текис тақсимланганда 1,0

юклама нотекис тақсимланганда (тўсинлар, харилар. Тепадонлар учлари тагида):

оғир, майда қумоқ ва енгил бетонлар

учун.....0,75

шўъбадор бетон учун...0,50

$R_{b,loc}$ - бетоннинг эзилувга ҳисобий қаршилиги бўлиб, у ушбу формуладан аниқланади:

$$R_{b,loc} \leq \alpha \varphi_b R_b \quad (102)$$

бунда $\alpha \varphi_b \geq 1,0$;

синфни В25 дан пастрок бўлган бетон учун $\alpha \leq 1,0$;

В25 ва ундан юқори синф бетонлар

учун формула $a = 13,5 \frac{R_{bt}}{R_b}$

$$\varphi_b = \sqrt[3]{A_{loc2} / A_{loc1}},$$

бирок, у ушбу қийматлардан ортиқ эмас:

юклама 15 а, б, г, е, чизмалар бўйича таъсир қилганда ушбу бетонлар учун:

оғир. майда қумоқ ва енгил синфлар

ҳолида:

87.5 дан юқори бўлганда.....2,5

В3,5; В5; В7,5.....1,5

В2,5 ва пастрок бўлганда.....1,2

юклама 15 б. д. Ж, чизмалардаги

тузилмалар бўйича таъсир қилганда,

бетоннинг тури ва синфидан қатъий назар.....1,0

R_b, R_{bt} - бетон конструкциялар ҳолидагидек қабул қилинади (15 жадвалнинг 9 вазиятига қ.);

A_{loc2} - эзилишнинг 3.40 вазияти кўрсатмаларига мос тарзда аниқланувчи ҳисобий юзаси.

3.40. Ҳисобий юза A_{loc2} таркибига эзилиш юзасига нисбатан симметрик бўлган майдонча киритилади (15-чизмага қ.).

Бунда қуйидаги қоидалар бажарилиши лозим:


маҳаллий юклама унсурнинг бутун кенглиги бўйича таъсир қилганда. Ҳисобий юза таркибига маҳаллий юклама чегарасидан ҳар иккала томонда майдонча қўшиб қўйилади (15, а чизмага қаранг);

унсурнинг бутун кенглиги бўйича маҳаллий чекка юклама таъсир қилганда A_{loc2} ҳисобий юза A_{loc1} эзилиш юзасига тенгдир (15, б чизмага қаранг);

сарров ва тўсинларнинг таяниш жойларида маҳаллий юклама таъсир қилганда. Ҳисобий юзага кенглиги сарров ёки тўсиннинг кириш чуқурлигича, узунлиги эса, тўсин яқинида ораликларнинг ўрталари орасидаги масофадан катта бўлмаган майдонча киритилади (15, в чизмага қ.);

агар тўсинлар орасидаги масофа унсурнинг иккиланган кенглигидан ортиқ бўлса, у ҳолда ҳисобий юзанинг узунлиги тўсин кенглиги йиғиндиси сифатида аниқланади (15, г чизмага қ.);

унсур бурчагига маҳаллий чекка юклама таъсир қилган ҳолда (15, д чизмага қ.), A_{loc2} ҳисобий юза A_{loc1} эзилиш юзасига тенгдир;



15-чизма. Темирбетон унсурларни маҳаллий қисувга ҳисоблаш тузилмалари а - унсурнинг бутун кенглиги бўйича маҳаллий юклама мавжудлигида; б - унсурнинг бутун кенглиги бўйича маҳаллий чекка юклама мавжудлигида; в. Г - сарров ва тўсинларнинг таяниш жойларидаги маҳаллий юкламаларда; д - унсур бурчагида

маҳаллий чекка юклама мавжудлигида; е - унсурнинг узунлиги ва кенглигининг бир қисмига маҳаллий юклама таъсир қилган ҳолда; девор чиқуви ёки оралик девор соҳасида маҳаллий юклама мавжудлигида; ж - девор чиқуви (пилястри) соҳасида жойлашган маҳаллий чекка юклама ҳолида; и - мураккаб шаклли кесимларни ҳисоблаш; 1 - эзилиш юзаси; 2 - эзилишнинг ҳисобий юзаси; 3 - тўрлар билан ўзаклашда, (104) формула бўйича ҳисоблаш вақтида билвосита ўзаклаш ҳисобга олинадиган энг кичик соҳа.

Маҳаллий юклама узунлиги ва кенглигининг бирор қисмигагина таъсир қилган ҳолда ҳисобий юзани 15, е чизмага мос тарзда қабул қилинади. Кўрсатилган турдаги юкламаларнинг бир нечтаси мавжуд бўлганда, ҳисобий юзалар иккита қўшни юкламалар таъсир қилаётган нуқталар орасидаги масофаларнинг ўртасидан ўтувчи чизиқлар билан чегараланадилар;

деворнинг чиқуви (пилястри) ёки тавр кесимли оралик девор яқинида таъсир қилувчи маҳаллий чекка юклама ҳолида A_{loc2} ҳисобий юза A_{loc1} эзилиш юзасига тенгдир (15, ж чизмага қ.);

мураккаб шаклли кесимлар учун ҳисобий юзани аниқлашда. Юкланган майдонча билан боғланиши зарурий ишонччиликда бўлмаган майдончалар ҳисобга олинмаслиги лозим (15, и чизмага қ.).

Изоҳ: Тўсин, сарров, тепадон ва бошқа унсурларнинг эзилишга олиб келувчи маҳаллий юкламалари ҳолида ҳисоблашда назарга олинадиган таяниш чуқурлиги A_{loc1} ва A_{loc2} ларни аниқлашда кўпи билан 20 см деб қабул қилинади.

3.41. Пайвандланган кўнда-ланг тўрлар тарзидаги билвосита ўзакланган оғир бетондан ясалган

унсурларни маҳаллий қисилувга ҳисоблашда ушбу шарт бажарилиши лозим:

$$N \leq R_{b,red} A_{loc1}, \quad (103)$$

бунда A_{loc1} - эзилиш юзаси;

$R_{b,red}$ - бетонни маҳаллий қисилувга ҳисоблашда ушбу

$$R_{b,red} = R_b \varphi_b + \varphi \mu_{xy} R_{s,xy} \varphi_s, \quad (104)$$

формуладан аниқланувчи келтирилган призмавий мустаҳкамлиги;

бунда $R_{s,xy}$, φ , μ_{xy} - 3.22 банддагилар билан бирдай бўлган белгилашлар;

$$\varphi_b = \sqrt[3]{A_{loc2} / A_{loc1}}, \quad (105)$$

бирок. У 3.5 дан ортиқ эмас;

φ_s - маҳаллий қисилиш соҳасида билвосита ўзаклаш таъсирини ҳисобга олувчи доимий; 15, б. д, ж чизмалар тузилмалари учун $\varphi_s \leq 1,0$ қабул қилинади, бунда билвосита ўзаклаш ҳисоблашда. Кўндаланг тўрлар камида узук-узук чизик билан чегараланган сатҳда ўрнатилган, деб қаралувчи шартдагина ҳисобга олинади; 15, а, в, г, е, и чизма тузилмалари учун φ_s доимий ушбу формуладан аниқланади

$$\varphi_s = 4,5 - 3,5 \frac{A_{loc1}}{A_{ef}}, \quad (106)$$

бунда A_{ef} - билвосита ўзаклаш турининг энг чекка таёқчалари бўйича ўлчаган контур ичида жойлашган бетон юзаси бўлиб, унинг учун $A_{loc1} < A_{ef} \leq A_{loc2}$ шарт бажарилиши лозим.

ТЕШИЛУВГА ҲИСОБЛАШ

3.42. Чекланган сатҳда текис тақсимланган кучлар таъсирида тахта конструкцияларнинг

тешилувига ҳисоблашни ушбу шарт асосида бажариш лозим

$$F \leq \alpha R_{bt} u_m h_0, \quad (107)$$

бунда F - тегувчи куч;

α - бетонлар учун ушбуларга тенг бўлган доимий:

оғир учун.....1,00

майда қумоқ учун.....0,85

енгили учун.....0,80


u_m - кесимнинг ишчи баландликлари чегараларида тешилишида ҳосил бўлувчи пирамиданинг юқориги ва пастки периметрларининг ўртача арифметик қиймати.

u_m ва F ни аниқлашда тешилиш пирамиданинг ён сирти бўйича содир бўлиб, унинг кичик асоси вази-фасини тешувчи кучнинг таъсир юзаси бажаради. ён қирралар эса, уфққа 45° бурчак остида қияланган. Деб тахмин қилинади (16, а чизма).

Тешувчи F кучни тешилиш пирамидасига таъсир қилувчи кучдан тешилиш пирамидасининг катта асосига қўйилган (чўзилган ўзакнинг жойлашув текислиги бўйича ҳисоблашда) ва тешилишга қаршилик қилувчи юкламани айирилганидан қолганига тенг, деб қабул қилинади.

Агар таяниш тузилмаси шундай бўлсаки. Тешилиш ён қирралар қиялик бурчаги 45° дан катта бўлган ҳолда фақат пирамида сирти бўйича юз бераётган бўлса (масалан, 16. Б чизмадагидек, қозик ёйилмаларида), (107) шартнинг унинг қисмини h_0/c га кўпайтирган ҳолда, амалдаги тешилиш пирамидаси учун аниқланади. Бунда кўтариш қобиляти

қиймати учун $s \leq 0,4h_0$ даги пирамидага мос келувчи қиймат қабул қилинади. бунда s - тешилиш пирамидаси ён қиррасининг уфқий проекцияси узунлиги.



16-чизма. Темирбетон унсурларни тешилишга ҳисоблаш тузилмалари
 а - тешилиш пирамидасининг ён қирралари қиялиги 45° бўлганда; б - ўшанинг ўзи, 45° дан ортиқ бўлганда.

Тешилиш пирамидаси яқинида тахта текислигига тик қисқичлар ўрнатилганда ҳисоблаш ушбу шарт асосида бажарилиши лозим

$$F \leq F_b K 0,8 F_{sw}, \quad (108)$$

лекин $2 F_b$ дан катта эмас. Зўриқиш F_b ни тенгсизлик (107) нинг ўнг қисмига тенг қилиб олинади, F_{sw} эса, тешилиш ҳисобий пирамидасининг ён қирраларини кесиб ўтувчи қисқичлар сезадиган барча кўндаланг зўриқишлир йиғиндиси тарзида ушбу формуладан аниқланади

$$F_{sw} \leq \Sigma R_{sw} A_{sw}, \quad (109)$$

бунда R_{sw} катталик А-I синфли ўзакка мос келувчи қийматдан ортиқ бўлмаслиги лозим.


Қисқичлар жамланган юк яқинида чекланган майдончада жойлашган ҳолда, кўндаланг ўзакли майдонча контури бўйича жойлашган, асоси юқорида жойлашган

пиромиданинг тешилишига қўшимча ҳисоблашни (107) шарт асосида бажарилади.

Кўндаланг ўзак 5.29 банд талабларини қаноатлантириши лозим.

УЗИЛИШИГА ҲИСОБЛАШ

3.43. Темирбетон унсурларнинг унинг қуйи қиррасига ёки унинг кесими чегараларида қўйилган (17-чизма) юкламанинг таъсиридан узилишини ҳисоблаш ушбу шарт асосида бажарилиши лозим.



17-чизма. Темирбетон унсурларни узилишга ҳисоблаш учун тузилма

$$F \left(1 - \frac{h_s}{h_0}\right) \leq \Sigma R_{sw} A_{sw}, \quad (110)$$

бунда F - узувчи куч;

h_s - узувчи кучнинг унсурга узатилиш сатҳидан бўйлама ўзак кесими оғирлик марказигача бўлган масофа;

$\Sigma R_{sw} A_{sw}$ - узилиш соҳаси узунлиги бўйича қўшимча ўрнатилувчи қисқичлар сезадиган кўндаланг зўриқишлар йиғиндиси бўлиб. У қуйидагига тенг:

$$a = 2h_s + b, \quad (111)$$

бунда b - узувчи кучни узатиш майдончаси кенглиги.


h_s ва b нинг қийматларини узувчи юкламани унсурга қуйиш тийнати ва

шароитларига боғлиқ равишда танланади (рафақлар, ёндош унсурлар ва б. орқаси).

ЎРНАТМА ҚИСМЛАРНИ ҲИСОБЛАШ

3.44. Пўлат ўрнатма қисмларнинг ясси унсурларига тавр тарзида пайвандланган зулфинларни нормал ва ўрнатма қисмнинг симметрия текислиги билан битта текисликда жойлашган 18-чизма статик юкламадан силжитувчи кучлар эгувчи моментлари таъсирига ҳисоблашни ушбу формула бўйича бажарилади:

$$A_{an} = \frac{1,1 \sqrt{N_{an}^2 + \left(\frac{Q_{an}}{\lambda \delta}\right)^2}}{R_s}, \quad (112)$$



18-чизма. Урнатма қисмга таъсир қилувчи зўриқишлар тузилмаси

бунда A_{an} - энг зўриққан қаторнинг зулфинлари кўндаланг кесими йиғинди юзаси;

N_{an} - зулфинларнинг битта қаторидаги энг катта чўзувчи зўриқиш бўлиб. У қуйидагига тенг:

$$N_{an} = \frac{M}{z} + \frac{N}{n_{an}}; \quad (113)$$

Q_{an} - зулфинларнинг битта қаторига тўғри келувчи силжитувчи зўриқиш бўлиб. У қуйидагига тенг:

$$Q_{an} = \frac{Q - 0,3N'_{an}}{n_{an}}; \quad (114)$$

N'_{an} - зулфинларнинг битта қаторига тўғри келувчи энг катта қисувчи зўриқиш бўлиб, у ушбу формуладан аниқланади

$$N'_{an} = \frac{M}{z} - \frac{N}{n_{an}}. \quad (115)$$

(112) - (115) формулаларда:

M, N, Q - ўрнатма қисмга таъсир қилувчи тегишлича момент. Тик ва силжитувчи кучлар; моментни пластинканинг ташқи қирраси текислигида жойлашган ҳамда барча зулфинлар оғирлик марказидан ўтувчи ўққа нисбатан аниқланади;

n_{an} - силжитувчи йўналиши бўйича зулфинлар қаторлари сони; агар силжитувчи куч Q нинг зулфинларнинг барча қаторларига текис узатилиши таъминланмаса, у ҳолда силжитувчи зўриқиш Q_{an} ни аниқлашда кўпи билан тўртта қатор ҳисобга олинади;

λ - оғир ва майда қумоқ бетонларнинг В12,5-В50 ҳамда енгил бетоннинг В12,5-В30 синфларидан тайёрланган, 8-25 мм диаметри зулфинли таёқчалар ҳолида аниқланувчи доимий бўлиб, у ушбу формуладан аниқланади:

$$\lambda = \frac{4,75 \sqrt[3]{R_b}}{(1 + 0,15 A_{an1}) \sqrt{R_s}} \beta, \quad (116)$$

ҳамда 0.7 дан катта бўлмаган қийматлар олади; синфи В50 дан юқори бўлган оғир ва майда қумоқ бетонлар ҳолида, λ ни айнан В50 га оид қийматлари, синфи В30 дан юқори синфли енгил бетон учун эса. айнан В30 синфга оид қийматлар қабул қилинади;

бунда R_b, R_s лар - МПа ларда;

A_{an4} - энг зўриққан қатор зулфинли таёқчасининг юзаси, см²;

β - турли ҳил бетонлар учун қуйидагича қабул қилинувчи доимий:

оғир.....1,0

майда қумоқ гуруҳлар:

А.....0,8

Б ва В.....0,7

енгили учун..... $\rho_m/2300$

(ρ_m - бетоннинг ўртача зичлиги, кг/м³);

δ - доимий, у ушбу формуладан аниқланади:

$$\delta = \frac{1}{\sqrt{1 + \omega}}, \quad (117)$$

бирок, камида 0,15 қийматга эга бўлади;

бунда $\omega = 0,3 \frac{N_{an}}{Q_{an}}$ бўлганда (қисилиш

мавжуд), $N'_{an} > 0$; $\omega = 0,6 \frac{N}{Q}$ (қиси-

лиш йўқ) $N'_{an} \leq 0$ агар зулфинларда чўзувчи зўриқишлар мавжуд бўлмаса, δ доимийни бирга тенг, деб қабул қилинади.

Қолган қаторлар зулфинлари кўндаланг кесимини энг кўп зўриққан қатор зулфини кесими юзасига тенг, деб қабул қилинади.

(113) ва (115) формулаларда N тик кучни, агар у ўрнатма қисмдан ташқарига йўналган бўлса, - мусбат, ўнга томон йўналган бўлса, - манфий ҳисобланади. Агар N_{an} ва N'_{an} зўриқишлар, шунингдек, Q_{an} силжитувчи зўриқишлар (113)-(115) формулалар бўйича ҳисобланганда, манфий қийматлар олса, (112)-(114) ва (117) формулаларда уларни нолга

тенг, деб қабул қилинади. Бундан ташқари, агар N_{an} манфий қиймат олса, у ҳолда (114) формулада N'_{an} қ N деб қабул қилинади. Ўрнатма қисм буюмнинг юқори сиртида (бетонлашда) жойлашганда, λ доимий 20% га камаяди, N'_{an} нинг қийматини нолга тенг, деб олинади.

3.45. Бир-бири билан 15 дан 30⁰ гача бурчак остида кесиштириб пайвандланган зулфинли ўрнатма қисмда қия зулфинларни силжитувчи куч таъсири ($Q > N$ ҳолда, бунда N - узувчи куч) ушбу формула бўйича ҳисобланади:

$$A_{an,inc} = \frac{Q - 0,3N'_{an}}{R_s}, \quad (118)$$

бунда $A_{an,inc}$ - қия зулфинлар кўндаланг симларининг йиғинди юзаси;

N'_{an} - 3.44. бандга қ.

Бунда δ қ 1,0 ҳамда (114) формула бўйича аниқланган силжитувчи зўриқишнинг 0.1 қисмига тенг бўлган Q_{an} , қийматларида (112) формула бўйича ҳисобланувчи тик зулфинлар ўрнатилиши лозим.

3.46. Пайвандли ўрнатма қисмларнинг ўзларига пайвандланган юкламани ўрнатма қисмларга узатувчи унсурли конструкцияси зулфинли таёқчаларни қабул қилинган ҳисобий тузилмага мос тарзда ишга туширилишини таъминлаши лозим. Ўрнатма қисмларнинг сатҳи унсурлари ва уларнинг пайвандланган уланмалари ҚМҚ 2.03.05 - 97 бўйича ҳисобланадилар. Пластинкаларни ва шаклдор прокатни ажратувчи куч учун ҳисобланаётганда, улар зулфинли тик таёқчалар билан ошиқ-мошиқ воситасида уланган, деб қаралади. Бндан ташқари,

ҳисобий ўрнатма қисмининг, зулфин таврига пайвандлаб қўйилувчи пластинканинг t қалинлиги қуйидаги шарт асосида текширилади:

$$t \geq 0,25d_{an} \frac{R_s}{R_{sq}}, \quad (119)$$

бунда d_{an} - зулфинли таёқчанинг ҳисоб бўйича талаб қилинувчи диаметри;

R_{sq} - пўлатнинг ҚМҚ 2.03.05 - 97 бўйича қабул қилинувчи ҳисобий қаршилиги.

Пластинкадан зулфинли таёқчани узиб олишда пластинканинг кўпроқ уланиш соҳасини таъминловчи пайванд уланмалар турларидан фойдаланилганда ҳамда уни тегишлича асослашда, бу пайванд уланмалар учун (119) шартларни ростлаш мумкин бўлади.

Пластинканинг қалинлиги шунингдек, пайвандлашга оид технологик талабларни қондириши лозим.

ТЕМИРБЕТОН УНСУРЛАРНИ БАРДОШЛИЛИККА ҲИСОБЛАШ

3.47. Темирбетон унсурларнинг бардошлиликка ҳисоблашни бетондаги ва ўзакдаги кучланишларни тегишлича 16 ва 25 жадваллар бўйича қабул қилинувчи иш шароитлари γ_{b1} ва γ_{s3} доимийларига, ўзакнинг пайванд уланмалари мавжудлигида ҳам иш шароити доимийси γ_{s4} га кўпайтирилган тегишли ҳисобий қаршиликларга таққослаш йўли билан бажарилади (26 жадвалга қ.).

Бетон ва ўзакдаги кучланишлар қайишоқ жисм ҳолидагидек

ўқелтирилган кесимлар бўйича) ташқи кучлар таъсири ва дастлабки қисиш зўриқиши P бўйича ҳисобланади.

Бетоннинг қисилган соҳасида ноқайишоқ деформациялар ўзакни бетонга келтириш доимийлари α' ни В15, В25, В30, В40 ва юқори синфли бетон учун тегишлича 25, 20, 15 ва 10 га тенг деб олиб. Бетоннинг қайишоқлик модулини камайтириш орқали ҳисобга олинади.

Агар (140) шартда $R_{bt,ser}$ қийматни R_{bt} га олмаштирганда у бажарилмаса, келтирилган кесим юзаси бетоннинг чўзилган соҳасини назарга олмаган ҳолда аниқланади.

3.48. Унсурнинг бўйлама ўқига тик кесимларнинг бардошлилигини ҳисоблаш қуйидаги шартлар асосида бажарилиши лозим:

қисилган бетон учун

$$\sigma_{b,max} \leq R_b; \quad (120)$$

чўзилган ўзак учун

$$\sigma_{s,max} \leq R_s, \quad (121)$$

бунда $\sigma_{b,max}$, $\sigma_{s,max}$ - тегишлича қисилган бетондаги ва чўзилган ўзакдаги энг катта тик кучланишлар.

Қисилган бетон бўйича текширилувчи соҳада кўпқарра такрорланувчи юклама таъсири ҳолида чўзувчи кучланишларнинг юзага келишидан сақланиш лозим. қисилган ўзакнинг бардошлилиги ҳисобланмайди.

3.49. Унсурнинг бўйлама ўқига қия кесимларни бардошлиликка ҳисоблашни, келтирилган кесимнинг оғирлик маркази сатҳида таъсир қилувчи. унсур узунлиги

бўйича бош чўзувчи кучланишларнинг тенг таъсир қилувчиси кўндаланг ўзак томонидан. Ундаги кучланиш ишлаш шароити доимийлари γ_{s3} ва γ_{s4} ларга кўпайтирилган R_s , қиришлик тенг бўлганда, кўндаланг ўзак томонидан тўлиқ сезиладиган ҳолдаги шарт асосида бажарилиши лозим: (24 ва 25 жадв. қ.).

j- қисилган ўзак учун ўшанинг ўзи;

ξ_1 - кесим қисилган соҳасининг формулага тенг бўлган нисбий баландлиги $\xi_1 = \frac{x}{h_{o1}}$;


φ_f - ўзак *S'* ни ҳисобга олмаган ҳолда (164) формула бўйича ҳисобланади;

z_{si}, z_{sj} - *i*-й ва *j*-й ўзак оғирлик марказидан у ўқчага масофа.

Агар z_{si}, z_{sj}, z_b лар у ўқдан пастроқда жойлашсалар, уларнинг (184) формуладаги қийматларини мусбат деб қабул қилинади. Акс ҳолда уларнинг қийматларини манфий ишора билан олиш лозим бўлади.

(183)-(185) боғланишлар учун ξ_1 ва ψ_{si} қийматларини. Ҳисоблаш формулаларида h_o, h_{o1}, F_a га, $\sum F_{ai} \frac{h_{oi} - 1,3x}{h_{o1} - 1,3x}$ га (μ аниқлашда), φ_m на $\varphi_{mi} = \varphi_m \frac{h_{o1}}{h_{oi}}$ га 4.28 ва 4.29 бандлар

кўрсатмаларига мос тарзда аниқлашга йўл қўйилади.



23-чизма. Кўпқаторли ўзакланган унсурнинг бүйлама ўқига тик кесимда қайтаришларига ҳисоблашдаги зўриқишлар ва кучланишлар эпюралари тузилмаси.

5. КОНСТРУКЦИЯВИЙ ТАЛАБЛАР

5.1. Бетон ва темирбетон конструкцияларни лойиҳалашда уларни тайёрлаш шароитини, талаб қилинувчи нуқталарини ҳамда ўзак ва бетоннинг бирга ишлашини таъминлаш учун бўлимда баён қилинган конструкциявий талабларни бажариш лозимдир.

УНСУРЛАР КЕСИМЛАРИНИНГ ЭНГ КИЧИК ЎЛЧАМЛАРИ

5.2. Мавжуд зўриқишлар ва тегишли гуруҳ чегаравий ҳолатларни ҳисоблаш орқали аниқланувчи бетон ва темирбетон унсурлар кесимларининг энг кичик ўлчамларини иқтисодий талабларни, қолип шаклларни ва ўзаклашни мувофиқлаштириш заруриятидан, шунингдек, конструкциялари тайёрлашнинг қабул қилинган технологияси шартларини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши лозим.

Бундан ташқари, темирбетон конструкциялар унсурларининг кесимлари ўлчамлари ўзакнинг кесимда жойлашувига (бетон ҳимоя қатламининг қалинлиги. Таёқчалар ораларидаги масофалар ва ш.к.) ва

ўзакни зулфинлашга оид талаблар қаноатлатирилиши лозим.

5.3. Яхлит тахталар қалинлигини, мм ларда, камида қуйидагича қабул қилиш лозим:

қопламалар учун	40
турар-жой ва жамоат биноларининг қаватлаларо ёпмалари ...	50
ишлабчиқариш биноларининг қаватлаларо ёпмалари	60
синфи 87,5 ва пастроқ барчаҳоллардаги енгил бетондан ясалган тахталалар учун	70

Йиғма тахталарнинг энг кичик қалинлиги бетоннинг ҳимоя қатламининг талаб қилинувчи қалинлигини таъминлаш ҳамда ўзакнинг тахта қалинлиги бўйича жойлашув шартларидан аниқланади (5.4-5.12 бандларга қ.).

Марказдан ташқарида қисилган унсурларнинг кесимлари ўлчамлари шундай танланиши лозимки, токи уларнинг исталган йўналишдаги $l_{\phi/i}$ қайишоқлиги, одатга кўра ушбулардан ортиқ бўлмасин:

оғир, майда кумоқ ва енгил бетонлар учун	200
бенолар унсурлари бўлган устунлар учун	120
оғир майда кумоқ, енгил ва ғовакланган бетонлардан тайёрланган бетон унсурлар учун	90
шўъбадор бетондан тайёрланган бетон ва темирбетон унсурлар учун	70

БЕТОННИНГ ҲИМОЯ ҚАТЛАМИ

5.4. Ишчи ўзак учун бетоннинг ҳимоя қатлами ўзакнинг бетон биргаликда конструкция-нинг барча босқичлардаги бирга ишлашини, шунингдек, ўзакни ташқи атмосферавий, ҳароратий ва шулар каби таъсирлардан ҳимоясини таъминлаши лозим.

5.5. Бўйлама ишчи ўзак (зўриқтирилмаган ва зўриқтирилган, таянчлар орасида тортилган) учун ҳимоя қатламининг қалинлиги, мм, одатга кўра, таёқча ёки арқон диаметридан кичик бўлмаслиги ҳамда қуйидагилардан кам бўлмаслиги лозим:

қалинлиги қўйидаги бўлган тахталалахр ва деворлар учун, мм:	
100 гача.....	10
100 дан ортиқ.....	15
баландлиги қуйидагича бўлган тўсин ва қирралар учун, мм:	
250 дан кичик.....	15
250 ва ундан катта.....	20
устунлар.....	20
пойдевор тўсинларида.....	30
пойдеворларда:	
йиғма	30
бетон тагликда яхлит	
пойдевор.....	35
бетон таглик бўлмаганда яхлит	
пойдевор.....	70
В7,5 ва ундан паст синфли енгил ва ғовакланган бетонлардан ясалган бирқатламли конструкцияларда ҳимоя қатламининг қалинлиги	

камида 20 мм ни, ташқи деворий тахталар учун эса (ҳимоя қатламидан ташқари), камида 25 мм бўлиши лозим.

Шўъбадор бетондан тайёрланган бирқатламли конструкцияларда ҳимоя қатламининг қалинлигини барча ҳолларда камида 25 мм қилиб олинади.

5.6. Кўндаланг, тақсимилагич ва конструкциявий ўзак учун бетон ҳимоя қатламининг қалинлиги камида кўрсатилган ўзак диаметрида ва камида қуйидагича олингани лозим, мм:

унсур кесими баландлиги 250 мм дан кичик бўлганда 10

250 мм га тенг ва ундан ортик бўлганда 15

В7,5 ва пастроқ синфли енгил ва ғовакланган бетонлардан ҳамда шўъбадор бетондан тайёрланган унсурларда кесим баландлигидан қатъий назар, кўндаланг ўзак учун бетон ҳимоя қатламининг қалинлиги камида 15 мм қилиб олинади.

5.7. Даставвал зўриктирилган унсурларнинг учларида бетоннинг ҳимоя қатлами қалинлиги кучланишларни узатиш соҳаси узунлигида (2.29 бандга ҳ.) камида қуйидагини ташкил қилиши лозим:

А-IV, А-IIIв синфли таёқча тарзидаги ўзак учун 2d

А-V, А-VI, Ат-VII синфли таёқча тарзидаги ўзак учун 3d

Ўзак арқонлар учун 2d

(бунда d - мм ларда).

Бундан ташқари, унсур узунлигининг кўрсатилган қисмидаги бетон ҳимоя қатлами қалинлиги барча синфлардаги таёқча тарзидаги ўзак учун камида 40 мм ва ўзак арқонлар учун камида 20 мм бўлиши лозим.

Зулфинли ва зулфинсиз, зўриктирилган ўзак учун таянч яқинидаги кесимда бетон ҳимоя қатламини куйидаги ҳолларда худди ораликдаги кесимдагидек танлаш мумкин:

а) пўлатдан таянч қисм ва билвосита ўзак (пайванланган кўндаланг тўрлар ёки бўйлама ўзакларни камраб олган қисқичлар) мавжудлигида 5.61 банд кўрсатмаларига мос тарзда жамлаб узатувчи таянч зўриқишларини даставвал зўриктирилган унсурлар учун;

б) таянч учлар 5.61 бандда кўзда тутилган кўшимча кўндаланг ўзаклар (жомашовсимон пайвандланган тўрлар ёки ёпиқ қисқичлар) жойлашиши шартида тахталар, панеллар, тўшамалар ва ЭУЛ таянчаларида.

5.8. Бетонларга тортилувчи ва анҳорларда жойлаштирилувчи, зўриктирилган бўйлама ўзакли унсурларда унсур сиртидан анҳор сиртигача масофани камида 40 мм ҳамда камида анҳор кенглигида қабул қилиниши лозим; унсурнинг қирраларигача бўлган кўрсатилган масофа, шунинг билан бирга, камида анҳор баландлигининг ярмича бўлиши лозим.

Зўриктирилувчи ўзакни ўйиқларда ёки унсур кесимидан ташқаридан жойлаштирилганда, бетоннинг кейинчалик торкретлаш ёки бошқа усул билан ҳосил қилинган

ҳимоя қатламининг қалинлиги камида 20 мм қилиб қабул қилиниши лозим.

5.9. Буюмнинг бутун узунлиги ёки кенглиги бўйича ўтувчи яхлит ўзак таёқчаларнинг, тўрларнинг ёки синчларнинг қолипга эркин жойланиши имкони бўлиши учун бу таёқчаларнинг учлари, буюмнинг тегишлича ўлчамларида, унсурнинг қиррасидан, буюм узунлиги 9 мм гача бўлганда, 10 м га, 12 м гача бўлганда, - 15 мм га, 12 м дан ортиқ бўлганда, - 20 мм га қисқарок бўлиши лозим.

5.10. Ҳалқавий ёки қутисимон кесимли ковак унсурларда бўйлама ўзак таёқчаларидан бетоннинг ички сиртигача масофа 5.5 ва 5.6 бандлар талабларини қаноатлантириши лозим.

ЎЗАК ТАЁҚЧАЛАРИ ОРАСИДАГИ ЭНГ КИЧИК МАСОФАЛАР

5.11. Ўзак таёқчалари орасидаги кесим баландлиги ва кенглиги бўйича)ёки каналлар қобиклари орасидаги) чамаланган масофа ўзакнинг бетон билан бирга ишлашини таъминлаши ҳамда бетон қоришмани жойлаш ва зичлаш қулайлигини ҳисобга олган ҳолда танланиши лозим; даставвал зўриктирилган конструкциялар учун, шунингдек, бетоннинг махаллий қисилуви (домкратлар, қисқичлар ва ш.ў.) ҳисобга олиниши лозим. Титратиб қолипловчи машиналар ёки штикловчи титратгичлар ёрдамида тайёрланувчи унсурлар ҳолида шу машиналарни зичловчи

орасидан эркин ўтиши таъминланиши лозим.

Таянчаларга тортиладиган зўриктирилмаган бўйлама ўзакнинг, ёки зўриктирилган ўзакнинг айрим таёқчалари орасидаги, шунингдек, қўшни ясси пайвандланган синчлар бўйлама таёқчалари орасидаги чамаланган масофалар таёқчаларнинг энг катта диаметриларидан кичик бўлмаси лозим, шунингдек:

а) агар бетонлашда таёқчалар уфқий ёки қия ҳолатда бўлсалар - камида: пастки ўзак учун - 25 мм, юқоригиси учун - 30 мм; пастки ўзак баландлик икки қатордан ортиқ тарзда жойлашганда уфқий йўналишдаги таёқчалалар орасидаги масофа (иккита пастки қаторлар таёқчаларидан ташқари) камида 50 мм бўлиши лозим;

б) агар бетонлашда таёқчалар тик ҳолатда бўлсалар, - камида 50 мм; бетон тўлдиргичлари таркибий қисмларини муттасин назорат қилинганда, бу масофа 35 мм гача камайтирилиши мумкин бўлиб, фақат бунда йирик тўлдиргичнинг энг катта ўлчамлари камида бир ярим марта бўлиши лозим.

Тор шароитларда ўзак таёқчаларини жуфтлаб жойлашга (улар орасида тирқиш қолдирмасдан) руҳсат берилади.

Бетонга тортиладиган зўриктирилувчи ўзакли унсурларда (узлуксиз ўзакланган конструкцияларни истисно қилганда) ўзақлар учун каналлар орасидаги чама масофа, одатда, камида канал диаметрича ва ҳар ҳолда 50 мм дан кам бўлмаслиги лозим.

ИЗОҲ: Даврий таёқчалар орасидаги масофа чиқувларни ва қирраларни ҳисобга олмаган ҳолда меъёрий диаметр бўйича қабул қилинади.

ЗҶРИҚТИРИЛМАЙДИГАН ЎЗАКНИ ЗУЛФИНЛАШ

5.13. Даврий шаклли таёқчалар, шунингдек, пайвандланган синч ва тўрларда қўлланилувчи силлиқ таёқчалар илгаксиз ясадалар. Тўқилган синчлар ва тўрларнинг чўзилган силлиқ таёқчалари илгаклар, панжалар ёки ҳалқалар билан тугашлари лозим.

5.14. Чўзилган ва қисилган ўзакнинг бўйлама таёқчалари унсурнинг бўйлама ўқига тик кесимга киритилиб, бунда улар қуйидаги

формула бўйича ҳисобланувчи, камида l_{an} , узунликдаги тўлиқ ҳисобий қаршилиқ орқали назарга олинади.

$$l_{an} = \left(\omega_{an} \frac{R_s}{R_b} + \Delta\lambda_{an} \right) d, \quad (186)$$

лекин, камида $l_{an} \leq \lambda_{an} d$,

бунда ω_{an} , $\Delta\lambda_{an}$ ва λ_{an} , қийматлар, шунингдек, йўл қўйилувчи l_{an} катталиклар 36 жадвал бўйича аниқланадилар. Бунда силлиқ ўзак таёқчалар илгаклар бўйича пайвандланган кўндаланг ўзакка эга бўлиши лозим. R_b катталик таркибига, γ_{b2} дан ташқари, бетоннинг ишлаш шароити доимийларини киритишга йўл қўйилади.

36-ЖАДВАЛ

Зўриқтирилмайдиган ўзакнинг ишлаш шароити	Зўриқтирилмайдиган ўзакнинг зулфинланишини аниқлаш учун доимийлар							
	даврий шаклли				силлиқ			
	ω_{an}	Δ_{an}	λ_{an}	l_{an}	ω_{an}	$\Delta\lambda_{an}$	λ_{an}	$l_{an,М}$ М
	камида				камида			
1. Ўзакни қўшиш:								
а) чўзилган бетонда	0,70	11	20	250	1,20	11	20	250
ч) ўзилгани билан								
б) қисилган бетонда	0,50	8	12	200	0,80	8	15	200
қисилган ёки								
чўзилгани билан								
2. Ўзакнинг кесишган чоклари:								
а) чўзилган бетонда	0,90	11	20	250	1,55	11	20	250
б) қисилган бетонда	0,65	8	15	200	1,0	8	15	200

Б гуруҳ майда кумоқ бетондан тайёрланган унсурлар учун (186) формуладан аниқланган l_{an} , қийматларни чўзилган бетон ҳолида $10d$, қисилгани ҳолида $5d$ га орттирилиши лозимдир.

Зулфинланувчи таёқчалар тўлиқ ҳисобий қаршиликли муштаҳкамлик учун ҳисоблаш талаб

қиладиган кесим юзасига нисбатан захира билан жўнатилган ҳолларда (186) формула бўйича ҳисобланган зулфинлаш узунлиги l_{an} ни ўзакнинг ҳисоб бўйича зарурий ва амалдаги кесим юзаси нисбатига кўпайтириш орқали камайтиришга руҳсат берилади.

Зулфинланувчи таёқчалар бўйлаб ҳисоблашда бетоннинг тортилиши туфайли дарзлар ҳосил бўлсалар. У ҳолда таёқчалар бетоннинг қисилган соҳасига (186) формула бўйича аниқланувчи l_{an} , узунликда қўйилиши лозим.

Кўрсатилган талабларнинг (бажарилиши иложи бўлмаганда, таёқчаларнинг қаралаётган кесимда тўлиқ ҳисобий қаршилиқ билан ишлашини таъминлаш учун бўйлама таёқчалар учига зулфинловчи пластинкалар ёки ўрнатма қисмлар, зулфинловчи таёқчаларни тўқиш). Бунда l_{an} катталиқ камида $10d$ бўлиши лозим.

Ўрнатма қисмлар учун қуйидаги хусусиятлар ҳисобга олиниши лозим. Чўзилган ёки қисилган бетонга уланган ўрнатма қисмларнинг чўзилган зулфинли таёқчалари узунлигини $\frac{\sigma_{bc}}{R_b} > 0,75$ ёки $\frac{\sigma_{bc}}{R_b} < 0,25$ да. 36 жадвалнинг 1а вазияти бўйича ω_{an} , $\Delta\lambda_{an}$, λ_{an} қийматларида фойдаланган ҳолда (186) формуладан аниқлаш лозим. Қолган ҳолларда кўрсатилган қийматларни 36 жадвалнинг 1б-вазияти бўйича қабул қилиш лозим. Бунда σ_{bc} - зулфинли таёқчага тик таъсир қилувчи бетондаги қисувчи кучланиш бўлиб, уни юклама бўйича ишончлилиқ доимийси $\mu \leq 1,0$ да доимий таъсир қилувчи юкламалардан келтирилган кесим бўйича қайишоқ материал сифатида қаралган ҳолда аниқланади.

Ўрнатма қисмнинг зулфинли таёқчасига чўзувчи ва силжитувчи зўриқишлар таъсир қилганда (186) формуланинг ўнг қисми қуйидаги

формуладан аниқланувчи δ доимийга кўпайтирилади

$$\delta = \frac{0,3}{1 + Q_{an1} / N_{an1}} + 0,7 \quad (187)$$

бунда N_{an1} , Q_{an1} - зулфинли таёқчадаги тегишлича чўзувчи ва силжитувчи зўриқиш.

Бунда зулфинли таёқчаларнинг узунлиги ушбу банднинг талабларига кўра, l_{an} нинг энг кичик қийматларидан кичик бўлмаслиги лозим.

А-I синфли силлиқ ўзакдан ясалган зулфинларни фақат уларнинг учларида пластинкалар, эгилган каллакчалар ва кўндаланг уланмалар мавжудлигидагина ишлатиш мумкин. Бу зулфинларнинг узунлиги бетонни тешиш ва эзишга ҳисоблаш асосида аниқланади. Конструкциявий қисмлар учун кўрсатилган пўлатдан учларда бўлган зулфинлардан фойдаланишга ҳам рухсат берилади.

5.15. Таянчдан ташқарига чиқариладиган ўзакнинг барча бўйлама таёқчаларини зулфинлашни таъминлаш учун эгилувчи унсурларнинг энг чекка эркин таянчлари учун қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:

а) агар 3.32 банд талаблари бажарилса, у ҳолда чўзилган таёқчаларнинг эркин таянч ички қиррасидан ўтиш узунлиги камида $5d$ мм ташкил қилиши лозим;

б) агар 3.32 банд талаблари бажарилмаса, у ҳолда чўзилган таёқчаларнинг эркин таянч ички қиррасидан ўтиш узунлиги камида $10d$ мм ни ташкил қилиши лозим.

Ўзакнинг ҳисобий қаршилиги пасайдиган энг чекка таянчдаги l_{an} зулфинлаш соҳаси узунлиги (2.28 бандга ва 23 жадвалга х.) 5.14 банд ва 36 жадвалнинг 16 вазияти кўрсатмаларига мос тарзда аниқланади.

Билвосита ўзак мавжудлигида зулфинлаш соҳаси узунлиги ω_{an} ни 1Қ12 μ_v катталиқка бўлиш ҳамда Δl_{an} доимий 10 σ_b/R_b катталиқка камайтириш орқали пасайтирилади.

Бунда μ_v - ўзаклашнинг ҳажмий доимийси бўлиб, у қуйидагича аниқланади:

пайвандланган турлар холида.....(49)

формула бўйича (3.22 б.х.);

ўровчи қисқичлар ҳолида ушбу формула бўйича

$$\mu_v = \frac{A_{sw}}{2as}$$

бунда A_{sw} - унсур қиррасида жойлашган ўровчи қисқичнинг

кесим юзаси; барча ҳолларда μ_v нинг қийматини 0,06 дан кичик қилиб олинади.

Бетоннинг таянчда қисилгини кучланиши σ_b ни таянч реакциясини унсурнинг таяниш юзасига бўлиш орқали топилиб, уни кўпи билан 0,5 R_b . Деб қабул қилинади.

Билвосита ўзаклаш соҳаси узунлиги бўйича унсур қиррасидан таянчга энг якин тик дарзгача тақсимланади.

Агар катталиқ $l_{an} < 10d$ ҳамда l_{an} га тенг деб, шунинг билан бирга, камида $5d$ деб қабул қилинса, у ҳолда таёқчаларнинг таянчнинг ички қиррасидан ўтиш узунлиги ушбу банд талаб қилганига нисбатан кичраяди. Ушбу ҳолда, шунингдек, таёқчалар учларини ишончли маҳкамланган ўрнатма пўлат қисмларга пайвандланса, таянч майдончасида бўйлама ўзакнинг ҳисобий қаршилигининг пасайиши содир бўлмайди.

37-ЖАДВАЛ

Ўзакнинг ишлаш шароитлари	Темирбетон унсурлардаги бўйлама ўзакнинг энг кичик кесим юзаси, унинг бетон кесим юзасига нисбати, %
1. Эгилувчи, шунингдек, марказдан ташқарида чўзилган унсурлардаги S ўзак бўйлама кучнинг кесимнинг ишчи баландлиги ташқарисида жойлашган ҳолда	0,05
2. Марказдан ташқарида чўзилган унсурлардаги S, S' ўзақлар бўйлама куч S ва S' ўзақлар оралиғида жойлашган ҳолда.	0,05
3. Марказдан ташқарида қисилган унсурлардаги S, S' ўзақлар, - ушбу ҳолларда:	
$l_0/i < 17$	0,05
$17 \leq l_0/i \leq 35$	0,10
$35 < l_0/i \leq 83$	0,20
$l_0/i > 83$	0,25

Изоҳ: Ўзак кесимининг ушбу жадвалга келтирилган энг кичик юзаси бетоннинг тўғри бурчакли кесим кенглигининг ёки тавр (кўштавр) кесими қирраси кенглигининг кесим

Ўзакнинг ишлаш шароитлари	Темирбетон унсурлардаги бўйлама ўзакнинг энг кичик кесим юзаси, унинг бетон кесим юзасига нисбати, %
<p><i>ишчи баландлиги h_0 га кўнайтмасига тенг бўлган кесим юзасига тааллуқлидир. Бўйлама ўзаги, кесим тархи бўйлаб текис тақсимланиб жойлашган, унсурларда, шунингдек, марказий чўзилган унсурларда энг кам ўзаклашнинг кўрсатилган катталиги бетон кесимининг тўлиқ юзасига оиддир.</i></p>	

УНСУРЛАРНИ БЎЙЛАМА ЎЗАКЛАШ

5.16. Темирбетон унсурларда бўйлама ўзакнинг кесим юзаси 37 жадвалда кўрсатилганлардан кам бўлмаслиги лозим.

Бўйлама ўзаги кесим тархи бўйлаб текис тақсимланиб жойлашган унсурларда, шунингдек, марказий - чўзилган унсурларда барча бўйлама ўзакларнинг энг кичик кесим юзаси 37 жадвалда кўрсатилган катталиклардан икки марта каттароқ қилиб қабул қилиниши лозим.

Кўтариш қобилияти ҳисобий эксцентриситетда 50% дан камроғи ишлатиладиган марказдан ташқарида қисилган унсурларда S ва S' ўзакларнинг энг кичик фонди миқдори унсурларнинг камроқлигидан қаътий назар, 0,05 га тенг, деб қабул қилинади.

37 жадвалнинг талаблари унсурни ташиш ва қуриш босқичига ҳисоблаш билан белгиланувчи ўзаклашга жорий қилинмайди; бу ҳолда ўзакнинг кесим юзасини фақат мустаҳкамликка ҳисоблаш орқали аниқланади.

Агар ҳисоблаш, унсурнинг кўтариш қобилияти чўзилган соҳа бетонида дарзлар ҳосил бўлиши билан бир вақтида тугаса, у ҳолда заиф ўзакланган унсурларга оид 1.19 банд талаблари ҳисобга олиниши лозим.

Ушбу банднинг талаблари тахталар ёки панеллар тархи бўйича тахта (панел) лат бўйича белгиланувчи ўзакли кесим юзасини танлашда ҳисобда олинмайди.

5.17. Қисилган унсурларнинг бўйлама таёқчалари диаметри, мм да, турлича бетонлар учун қуйидагилардан ортмаслиги лозим:

синфи В25 дан пастроқ бўлган оғир ва майда қумоқ 40

синфи В12,5 ва пастроқ бўлган енгил ва ғовақланган16

В15-В25.....25

В30 ва юқорироқ.....40

шўъбадорлар синфлари:

В10 ва пастроқ.....16

В12,5 -В1520

А-IV ва пастроқ синфли ўзакли енгил бетондан тайёрланган унсурларда турли синфли бетонлар учун бўйлама таёқчаларнинг диаметрлари, мм қуйидагилардан ортиқ бўлмаслиги лозим:

В12,5 ва пастроқ.....16

В15 - В25.....25

В30 ва юқорироқ.....32

Юқорироқ синфли ўзаклар учун таёқчаларнинг чегаравий диаметрлари ўрнатилган тартибда келшиб олиниши лозим.

Синфи В10 ва пастроқ бўлган шўъбадор бетондан ясалган эгилувчи унсурларда бўйлама ўзакнинг диаметри 16 мм дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Яхлит конструкцияларнинг марказдан ичкарида қисилган унсурлари бўйлама таёқчаларининг диаметри камида 12 мм бўлиши лозим.

5.18. Чизиғий марказдан ташқарида қисилган унсурларда бўйлама ўзак таёқчалари ўқлари орасидаги масофалар эгилиш текислигига тик йўналишда кўпи билан 400 мм қилиб, эгилиш текислиги йўналишида эса, кўпи билан 500 мм қилиб олиниши лозим.

5.19. Кўтариш қобилиятининг бўйлама кучнинг берилган эксцентриситетида 50% дан ками ишлатиладиган марказдан ташқарида қисилган унсурларда, шунингдек, ҳисоб бўйича қисилган ўзак ишлайтилмайдиган, чўзилган ўзакларнинг миқдори 0,3% дан ошмайдиган қайишоқлиги $l_0/i < 17$ (устунчаларда) бўлган унсурларда букилиш текислигига паралел қирралар бўйича, 5.18, 5.22 ва 5.23 бандлар кўрсатмалари бўйича талаб қилинадиган бўйлама ва кўндаланг ўзақларни ўрнатмаса ҳам бўлади. Бунда эгилиш текислигига тик қирралар бўйича ўзақлашни, қалинлиги камида 50 мм ҳамда бўйлама ўзакнинг камида иккита диаметрича бўлган бетондан ҳимоя қатламли пайванд синчлар ва тўрлар восита-сида амалга оширилади.

5.20. Кенглиги 150 мм дан ортиқ, бўлган тўсинларда таянч қиррасидан чиқариладиган бўйлама ишчи таёқчаларнинг сони иккитадан

кам бўлмаслиги лозим. Кенглиги 150 мм ва кичикроқ йиғма тахталар, тўшамалар, қиррадор ёпмалар қирраларида битта бўйлама ишчи таёқчани таянчгача етказишга йўл қўйилади.

Тахталарда таянч қиррасидан ташқарига чиқариб қўйиладиган таёқчалар ораларидаги масофа 400 мм дан ортмаслиги, шунинг билан бирга, бу таёқчаларининг тахтанинг 1 м кенглигига тўғри келган кесимни сатҳи оралиқдаги таёқчаларнинг энг катта эгувчи момент бўйича ҳисобий аниқланган кесим сатҳининг 1/3 қисмидан кичик бўлмаслиги лозим.

Оғир бетондан тайёрланган, баландлиги 300 мм ва камроқ даставвал зўриқтирилган кўп бўшлиқли (доиравий бўшлиқли) тахталарда таянч қиррасидан чиқариб қўйиладиган, зўриқтирилган ўзақлар орасидаги масофани, агар тахтанинг бўйлама ўқига тик кесимлар учун (125) формула бўйича аниқланувчи дарз ҳосил бўлиш M_{cre} , моменти катталиги, юклама бўйича γ_f қ 1,0 ишончлилик доимийси бмлан қабул қилинувчи ташқи юклама моменти-нинг камида 80% ни ташкил қилса, 600 мм гача оширишга йўл қўйилади.

Кесилмайдиган тахталарни пайвандланган ўрама тўрлар билан ўзақлашда оралиқ таянчлар яқинида барча пастки таёқчаларни юқориги соҳага ўтказишга руҳсат берилади.

Тахта оралиғи ўрта қисмидаги ва таянч устидаги (юқоридаги) ишчи таёқчалар ўқлари орасидаги масофалар тахта қалинлиги 15 мм гача бўлганда 200 мм дан ортиқ бўлмаслиги ва тахта қалинлиги 150 мм дан

ортиқ бўлганда $1,5h$ дан ортмаслиги лозим, бунда h тахта қалинлиги.

5.21. Эгилувчи унсурларда кесим баландлиги 700 мм дан ортиқ бўлганда ён қирралар ёнида баландлик бўйича бир-бирлари орасидаги масофа 400 мм дан ортиқ бўлмаган ва унсур баландлиги бўйича шу таёқчалар орасидаги масофага, кенглиги бўйича - унсур қирраси кенглигининг ярмига тенг, лекин 200 мм дан ортиқ бўлмаган ўлчамли бетон кесими юзасининг камида 0,1% га тенг кесим юзаси конструкциявий бўйлама таёқчалар ўрнатишлари лозим.

УНСУРЛАРНИ КЎНДАЛАНГ ЎЗАКЛАШ

5.22. Темирбетон унсурларнинг яқинларида бўйлама ўзак ўрнатиладиган барча сиртларида энг чекка бўйлама таёқчаларни қамраб олувчи кўндаланг ўзақлар ўрнатилиши ҳам кўзда тутилади. Бунда унсурнинг ҳар бир сиртдаги кўндаланг таёқчалар орасидаги масофалар кўпи билан 600 мм ҳамда унсур қирраси кенглигининг иккиланганидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Зўриктирилган бўйлама ўзаги марказида жойлаштирилган марказдан ташқарида қисилган унсурларда (масалан, қозикларда) агар кўндаланг кучларнинг таъсирига қаршилик бетоннинг ўзи томонидан таъминланса, бу ҳолда кўндаланг ўзақлар ўрнатишга зарурият бўлмайди.

Агар эгилувчи унсурларнинг (кенглиги 150 мм ва кичирок) кенглиги бўйича фақат ягона бўйлама таёқча ёки пайвандланган синч

жойлашган бўлса, ингичка қобурғаларнинг қирраларига кўндаланг ўзак қўйимаса ҳам бўлади.

Марказдан ташқарида қисилган чизиғий унсурларда, шунингдек, эгилувчи унсурларнинг қисилган соҳасида, ҳисоблашда назарга олинувчи қисилувчи бўйлама ўзак мавжуд бўлганида, қискичлар қуйидагича масофаларда жойлаштирилиши лозим:

оғир, майда қумоқ, енгил ва ғовакланган бетонлардан ясалган конструкцияларда:

$R_{sc} \leq 400$ МПа да - кўпи билан 500 мм ва тўқилган синчлар ҳолида кўпи билан $15d$, пайвандланган ҳолларда - $20d$;

$R_{sc} \geq 450$ МПа да кўпи билан 400 мм ва тўқилган синчлар ҳолида кўпи билан $12d$, пайвандланган ҳолларда - $15d$;

шўъбадор бетонлардан ясалган конструкцияларда пайвандланган синчлар ҳолида кўпи билан 500 мм ҳамда кўпи билан $40d$ (бунда d - қисилган бўйлама таёқчаларнинг энг кичик диаметри, мм).

Бунда кўндаланг ўзакнинг конструкцияси қисилган таёқчаларнинг исталган йўналишда ёнга эгилишидан сақлашни таъминлаши лозим.

Марказдан ташқарида қисилган унсурларнинг қискичлари орасидаги масофа пайвандсиз кесишган ишчи ўзакнинг туташиш ўринларида $10d$ ни ташкил қилиши лозим.

Агар унсурнинг ҳисобга кўра талаб қилинадиган бўйлама ўзак S' билан тўйиниши 1,5% дан ортиқ бўлса, шунингдек, унсурнинг бутун

кесими қисилган ва S ва S' ўзақларга умумий тўйиниши 3% дан ортиқ бўлса, бу ҳолда қисқичлар орасидаги масофа $10d$ дан ҳамда 300 мм дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Ушбу банд талабларига риоя қилинишини текшириладиганда ҳисобга назарга олинмайдиган қисилган бўйлама таёқчалар, агар таёқчаларнинг диаметри 12 мм дан, ҳамда бетоннинг ҳимоя қатлами қалинлигининг ярмидан ортиқ бўлмаса, улар назарга олинмаслиги лозим.

5.23. Марказдан ташқарида қисилган унсурлардаги тўқилган қисқичларнинг конструкцияси шундай бўлиши лозимки, токи бўйлама таёқчалар (лаоқал битта оша) қисқичларнинг эгилиш ўринларида жойлашиши, бу эгилувлар эса, унсур қирраси кенглиги бўйича кўпи билан 400 мм масофада жойлашиши лозим. Қирра кенглиги 400 мм дан ҳамда шу қиррада бўйлама таёқчалар сони тўрттадан ортиқ бўлмаганда барча бўйлама таёқчаларни битта қисқич билан ўраб олиш мумкин бўлади.

Марказдан ташқарида қисилган унсурларни пайвандланган ясси синчлар билан ўзақлашда иккита чекка (қарама-қарши қирраларда жойлашган) синч, фазовий синч ҳосил қилиши учун бир-бирлари билан боғланишлари лозим. Бунинг учун унсурнинг синчлар текислигига тик қирраларида теккизиб пайвандлаш усулида синчларнинг бурчак бўйлама таёқчаларига уланган кўндаланг таёқчалар қўйилиши, ёки шу таёқчаларни ясси синчларнинг кўндаланг таёқчалари уланган

масофаларда боғловчи илгаклар пайвандланиши лозим.

Агар чекка ясси синчлар оралик бўйлама таёқчаларга эга бўлсалар, бу ҳолда улар кўпи билан битта оша ва унсур қирраси кенглиги бўйича кўпи билан 400 мм масофада қарама-қарши қирраларда воситасида боғланишлари лозим. Унсурнинг ушбу қирраси кенглиги 500 мм дан ортиқ ва шу қиррадаги бўйлама таёқчалар сони тўрттадан ортиқ бўлмаганда, илгаклар қўймаса ҳам бўлади.

5.24. Марказдан ташқарида қисилган, ҳисоблашда назарга олинмайдиган пайвандланган тўрлар шаклидаги билвосита ўзақлашда (диаметри 14 мм дан ортиқ бўлмаган А-I, А-II ва А-III синфли ва Вр-I синфли) ёки зўриқ-тирилмайдиган, ё халқавий ўзак кўринишидаги унсурларда қуйидагилар қабул қилиниши лозим:

тўр шўъбадор ўлчамлари - камида 45 мм, бироқ унсур кесимини кичик томонининг $1/4$ қисмидан ва 100 мм дан ортиқ бўлмаган;

спирал ўрама диаметри ёки халқалар диаметри - камида 200 мм;

тўрлар қадами - камида 60 мм, бироқ унсур кесими кичик томонининг кўпи билан $1/3$ қисмига ва кўпи билан 150 мм;

спирал ўрама қадами ёки халқалар қадами - камида 40 мм, бироқ унсур кесими диаметрининг кўпи билан $1/5$ қисмига ва кўпи билан 100 мм.

Марказдан ташқарида қисилган унсурларнинг уч қисмларини кучайтиришда билвосита ўзақловчи пайванд агар бўйлама ўзак силлиқ

таёқчалардан ясалган бўлса, камида $20d$ узунликда камида тўртта тўр (унсур учидан бошлаб ҳисоблаганда) жойлаштирилиши лозим.

5.25. Марказдан ташқарида қисилган чизигий унсурларнинг тўқилган синчларидаги қисқичлар диаметри камида $0,25d$ катталиқда ва камида 5 мм бўлиши лозим, бунда d - бўйлама таёқчаларнинг энг катта диаметри.

Эгилувчи унсурларнинг тўқилган синчларидаги қисқичлар диаметри камида қуйидагича қабул қилиниши лозим, мм:

унсур кесими баландлиги 800 мм га тенг ёки ундан кичик бўлганда 5

ўшанинг ўзи, 800 мм дан ортиқ бўлганда 8

Пайвандланган синчлар ва пайвандланган тўрлардаги кўндаланг ва бўйлама таёқчалар диаметрлари нисбати пайвандлаш шароитидан келиб чиққан ҳолда тегишли меъёрий ҳужжатлар бўйича белгиланади.

5.26. Баландлиги 150 мм дан ортиқ бўлган тўсин конструкцияларда, шунингдек, баландлиги 300 мм дан ортиқ бўлган серковак тахталарда (ёки шунга ўхшаш серқирра конструкцияларда) кўндаланг ўзак ўрнатилиши лозим.

Тутах тахталар ҳолида. Баландликдан қатъий назар, баландлиги 300 мм дан кичик бўлган серковак тахталарда ёки шуларга ўхшаш серқирра конструкцияларда) ҳамда 150 мм дан кичик баландликли тўсин конструкцияларда кўндаланг ўзак қўймаса ҳам бўлади. Бунда 3.32 банд

кўрсатмаларига мувофиқ ҳисоблаш талаблари таъминланиши лозим.

5.27. Банд 5.26 да кўрсатилган тўсин ва тахта конструкцияларда кўндаланг ўзак қуйидаги ҳолларда ўрнатилади:

юклама текис тақсимланган ҳолда таянч яқинидаги соҳаларда оралиқнинг $1/4$ қисмида, жамланган юкламалар ҳолида, - таянчдан энг яқин юккача, лекин оралиқнинг камида $1/4$ қисмида. қуйидагича қадамлар билан:

унсур кесими баландлиги h , 450 мм га тенг ёки ундан кичикроқ бўлганда кўпи билан $h/2$ ва 150 мм дан

кўпи эмас ўшанинг ўзида, 450 мм

дан ортиқ бўлганда кўпи билан $h/3$

ва кўпи билан 500 мм;

оралиқнинг қолган қисмида, унсур кесими баландлиги h нинг қиймати 300 мм дан ортиқ бўлганда қадами $3/4h$ гача бўлган ва 500 мм гача бўлган кўндаланг ўзаклар ўрнатилади.

5.28. Кўндаланг кучларни қабул қилиш учун кўзда тутилган кўндаланг ўзак учларида пайванд қилинган зулфинча ёки уланма ва қисқичларнинг бирдай муштаҳкамлигини таъминловчи бўйлама ўзак билан туташувга эга бўлиши лозим.

5.29. Тахталарда тешилиш соҳаларида кўндаланг ўзакни кўпи билан $1/3h$ қадам билан ҳамда кўпи билан 200 мм қилиб ўрнатилади. Бу ҳолда кўндаланг ўзакни қўйиш соҳаси

кенглиги камида $1,5h$ бўлиши лозим (бунда h - тахта қалинлиги).

Кўрсатилган ўзакни зулфинлаш 5.28 банд талабларини қаноатлантириши лозим.

5.30. Устунларнинг қисқа рафақларини кўндалангига ўзаклашни уфқий ёки 45° бурчакка қияланган тутқичлар воситасида бажарилади. Қисқичларнинг қадами кўпи билан $h/4$ ҳамда кўпи билан 150 мм бўлиши лозим (бунда h - рафақнинг баландлиги).

5.31. Буралиш билан эгилувга ишловчи унсурларда тўкилган тутқичлар учлари ишончли тарзда зулфинланиши, пайвандланган синчларда эса, ҳар иккала йўналишнинг барча кўндаланг таёқчалари ёпиқ контур ҳосил қиладиган тарзда бурчакда жойлашган бўйлама таёқчаларга пайвандланиши лозим. Бунда уланмалар ва қисқичларнинг бирдай мустаҳкамлиги таъминланиши лозим.

ЎЗАК ВА ЎРНАТМА ҚИСМЛАРНИНГ ПАЙВАНД УЛАНМАЛАРИ

5.32. Ат-IIIС ва Ат-IVС синфли термик чиниқтирилган пўлатдан ва оддий ўзак симдан тайёрланган, силлик ва даврий шаклли иссиқ шакллантирилган ўзаклар, шунингдек ўрнатма қисмлар, одатга кўра, таёқчаларни бир-бирлари билан ҳамда ясси прокат унсурлар билан нуқтавий ва туташтирув усули билан пайвандланишлари лозим. Автоматик ва яримавтоматик, шунингдек 5.36 банд кўрсатмалари асосида қўл ёй пайванддан фойдаланишга ҳам рухсат берилади.

А-IIIв синфли ўзакнинг туташув усулидаги чўзиб мустаҳкамланган уланмаси уни мустаҳкамлашдан олдин пайвандланиши лозим.

А-IV (20ХГ2Ц), Ат-IIIС, Ат-IVС, Ат-IVК (10ГС2 ва 08Г2С тамғали пўлатдан), Ат-V (20ГС тамғали пўлатдан) ва Ат-VСК синфли термомеханик мустаҳкамланган ўзакнинг пайванд уланмаларидан ГОСТ 14098-91 да кўрсатилган турларинигина ишлатиш лозим.

Таёқча тарзидаги А-IV (80С тамғали пўлатдан) синфли ва Ат-IV, Ат-IVК (25С2Р пўлатдан), Ат-V (20ГС тамғали пўлатдан ташқари), Ат-VК, Ат-VI, Ат-VIK ва Ат-VII синфли термомеханик мустаҳкамланган ўзакнинг. Юқори мустаҳкамликли ўзак симнинг ва ўзак арқонинг пайванд уланмалари ишлатилмайди.

5.33. Пайванд уланмаларнинг турлари ва ўзак ҳам ўрнатма қисмларнинг пайвандлаш усуллари конструкциянинг ишлатиш шароитлари, пўлатнинг пайвандланувчанлигини, уланмаларнинг техник-иктисодий кўрсаткичларини ҳамда ГОСТ 14098-91 га мос тарзда тайёрловчи-корхонанинг ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим.

Тўр ва синчлар ўзақлари кучланишларни ҳисобий қаршиликлардан («меъёрланган мустаҳкамликли») уланмалар) кам бўлмаган даражада сезишини таъминловчи тегиштириб-нуқтавий пайвандлаш ёки ёй пайванд билан илинтириб ҳочсимон тарзда чизмаларида кўрсатилиши лозим.

Меъёрланмаган муштақкамликли пайвандланувчи хочсимон уланмалар унсурларни ташшида, бетонлашда ва конструкциялар тайёрлашда ўзак таёқчаларининг ўзаро жойлашувини таъминлаш мақсадида қўлланилади.

5.34. Завод шароитларида пайвандли ўзак тўрлар, синчлар ва уланмалар тайёрлашда айрим таёқчаларнинг узунлиги бўйича аксарият тегишув-нуктавий ва туташтирувчи пайвандлашни қўл-лаш, ўрнатма қисмларни тайёрлашда эса, тавр қисмлар учун флюс воситасида автоматик пайвандлашдан ва қатламли уланмалар ҳолида тегишувли шаклли пайвандлашдан фойдаланиш лозим.

5.35. Ўзак буюмларни ва йиғма бетон конструкцияларни йиғишида биринчи галда, уланмалар сифатини назорат қилиш имконини берувчи яримавтоматик усуллардан фойдаланиш лозим.

5.36. Зарурий пайвандлаш ускуналари бўлмаган ҳолларда завод ва йиғув шароитларида ўзаклар ва ўрнатма қисмлар хочсимон, туташтирув қатламли ва таврли уланмаларини ГОСТ 14098-91 ва меъёрий ҳужжатларда пайвандланган ўзаклар ва ўрнатма қисмларга оид ёй усулидан, шу жумладан, дастаки пайванд усулидан фойдаланиб бажаришга рухсат берилади. А-III синф 35ГС тамғали ишчи ўзакларнинг таёқчаларнинг хочсимон уланмаларида интириб ёй пайванддан фойдаланишга рухсат этилмайди.

Тўр ва синчларнинг муштақкамликка ҳисоблаш асосида бажариладиган уланмаларида

пайвандланиши дастаки ёй пайванд усулида бажараётиб, бўйлама ва кўндаланг ўзакларнинг уланиш ўринларида қўшимча конструкциявий унсурлар ўрнатиш (ётқизмалар, қийиқлар, илмоқлар ва ҳ.к.) лозим.

ЗЎРИҚТИРИЛМАЙДИГАН ЎЗАКНИНГ ҚАТЛАМЛАНГАН ЧОКЛАРИ (ПАЙВАНДЛАШСИЗ)

5.37. Зўриқтирилмайдиган ишчи ўзакнинг қатламланган чокланиши пайвандланувчи ва тўқилган синчлар ва тўрларни улашда қўлланилиб, бунда ишчи ўзакнинг диаметри 36 мм дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Ишчи ўзак таёқчаларининг қатламланган чокларини эгилувчи ва марказдан ташқарида чўзилган унсурларнинг чўзилган соҳасида, ўзакдан тўлиқ фойдаланиладиган жойларда жойлаш тавсия қилинмайди. Бундай чоклар кесимлари тўлиқ чўзилган (масалан, равақларнинг тортмаларида) чизиғий унсурларда, шунингдек, А-IV ва юқорироқ синфга оид таёқча ўзакларнинг қўлланиш ҳолларида бўлмаслиги лозим.

5.38. Чўзилган ёки қисилган ишчи ўзакнинг, шунингдек, пайвандланган тўрларнинг ва синчларнинг ишчи йўналишидаги чокларининг бир-бири устига чиққан узунлиги (чирмашиш) (186) формуладан ҳамда 36 жадвалдан аниқланувчи $l_{ан}$ дан кичик бўлмаслиги лозим.

5.39. Пайвандланган тўрлар ва синчларнинг, шунингдек, тўқилган синчлар ва тўрларнинг чўзилган таёқчаларининг чирмашган чоклари,

одатга кўра, турли томонда жойлашишлари лозим. Бир жойда ёки чирмашиш узунлиги l дан кичикроқ масофада уланувчи ишчи кесими умумий сатҳининг - даврий шаклли таёқчалар ҳолида, - кўпи билан 50% ни ва силлиқ таёқчалар ҳолида, - кўпи билан 25% ни ташкил қилиши лозим.

Конструкциявий ўзаклашда (ҳисоблашсиз), шунингдек, ўзакнинг 50% дан камроқ қисмидан фойдаланилган соҳаларда айрим таёқчалар, пайвандланган тўрлар ва синчларни оралиқларини очмасдан туташтиришга рухсат берилади.

5.40. Пайвандланган тўрларнинг силлиқ иссиқ шакллантирилган А-I синфли пўлатдан ясалган ишчи ўзак йўналишидаги чоклари шундай бажарилиши лозимки, токи чўзилган соҳада уланувчи ҳар бир тўрда чирмашиш узунлигида, тўрнинг барча бўйлама таёқчаларига пайвандланган кўндаланг таёқчалардан камида иккитаси жойлашган бўлсин (24-чизма). Барча тур ўзақлардан тайёрланган ишчи таёқчалари бир томонда жойлашган пайванд синчларни чирмаштириб соқлашда ҳам шундай тур чоклардан фойдаланилади.


Пайвандланган тўрларнинг А-II ва А-III синфли ишчи ўзақлар йўналишидаги чоклари туташтирилувчи битта ёки иккита тўрлар чегарасида кўндаланг таёқчаларсиз бажарилади (25-чизма).

5.41. Пайвандланган тўрларнинг ишламайдиган йўналишдаги чоклари бир-бирининг устига қуйидагича ўтказиб бажарилади

(тўрнинг ишловчи энг чекка таёқчалари орасида ҳисоблаганда):

тақсимлагич (кўндаланг) ўзакнинг диаметри 4 мм гача бўлганда....50 мм га (26 а, б чизма)


ўшанинг ўзи, 4 мм дан ортиқ бўлганда ..100 мм га (26 а, б чизма)



24-чизма. Пайвандланган тўрларнинг ишчи таёқчалардан тайёрланган ишчи ўзак йўналишида чирмашган чоклари (пайвандсиз).

А - битта текисликда жойлашган кўндаланг таёқчалар ҳолида;

б.в - ўшанинг ўзи, турли текисликларда



25-чизма. Пайвандланган тўрларнинг даврий шаклдаги таёқчалардан тайёрланган ишчи ўзак йўналишида чирмашган чоклари (пайвандсиз)

а - туташтирилувчи тўрлардан бирининг чоки чегараларида кўндаланг таёқчасиз ҳолда;

б - ўшанинг ўзи, ҳар иккала туташтирилувчи тўрлар ҳолида.


Ишчи ўзакнинг диаметри 16 мм ва ундан ортиқроқ бўлганда пайвандланган тўрларини

ишламайдиган йўналишда бир-бирига теккизиб жойлашга рухсат берилади, фақат бунда чокларни махсус чок тўрлари билан, ҳар бир томонга тақсимлагич ўзакнинг камида $15d$ си қадар ва камида 100 мм чиқарган ҳолда, ёпилади (26, в-чизма).

Пайвандланган тўрларни ишламайдиган йўналишда куйидаги ҳолларда устма-уст чиқармасдан, қўшимча чок тўрларсиз учма-уч жойлашга рухсат берилади:

пайвандланган тасма тўрларни иккита бир-бирига қарама-қарши йўналишларда жойлашда;

чок ўринларида тақсимлагич ўзак йўналишида қўшимча конструкциявий ўзакланиш мавжудлигида.



26-чизма. Пайвандланган тўрларнинг тақсимлагич ўзак йўналишидаги чоклари

а - ишчи таёқчалар битта текисликда жойлашганида чирмашган чок;

б - ўшанинг ўзи, ишчи таёқчалар турли текисликларда жойлашганида;

в - қўшимча чок тўри ёпилган учма-уч чок.

ЙИҒМА КОНСТРУКЦИЯЛАР УНСУРЛАРИНИНГ ЧОКЛАРИ

5.42. Йиғма конструкцияларнинг темирбетон унсурларини чоклашда зўриқишлар бир унсурдан бошқасига чокланувчи

ишчи ўзак орқали, ўрнатма пўлат қисмлар, бетон тўлдирилган чоклар, бетон қозиклар ёки (қисилган унсурлар холида) бевосита чокланувчи унсурларнинг бетон сиртлари орқали узатилади.

Сув сингдирмаслик талаби қўйиладиган, даставвал зўриқтирилган унсурларни, шунингдек, конструкцияларни чоклашни, одатга кўра, зўриқтирувчи цементда тайёрланган бетонда чокланади.

5.43. Йиғма конструкцияларнинг қаттиқ чоклари, одатда, унсурлар орасидаги чокларни бетон билан тўлдириш орқали яхлитланади. Агар унсурларни тайёрланишда сиртларни бир-бирига зич жойлаш таъминланса (масалан, чокланувчи унсурлардан бирининг учидан бошқа уч учун опалубка сифатида фойдаланилса), чоклар орқали фақат қисув зўриқиши узатилаётганда чоклар қурук бўлишлари мумкин.

5.44. Унсурларнинг чўзувчи зўриқишларни сезувчи чокларини куйидагича тайёрланади:

а) пўлат ўрнатма қисмларни пайвандлашда;

б) ўзак учларини пайвандлашда;

в) таёқчаларнинг чокланувчи унсурларни канал ёки тирқишлардан ўтказгандан кейин уларни таранглаш ва чок ҳамда каналларни цемент қоришма ёки майда қумоқ бетон билан тўлдириш орқали;

г) таёқча тарзидаги ўзак уловчи қисмлардан фойдаланган ҳолда унсурларни конструкциявий

полимер эритмалар воситасида елимлаш орқали.

Йиғма конструкциялар унсурлари чокларини лойиҳалашда ўрнатма қисмларнинг шундай уланмалари кўзда тутилиши лозимки. Бунда уларнинг қисмларида эгилувлар, шунингдек, бетоннинг мертилишлари юз бермасин.

5.45. Ўрнатма қисмлар зулфинли таёқчалар воситасида бетонда зулфинланиши ёки унсурларнинг ишчи ўзагига пайвандланишлари лозим.

Зулфинли ўрнатма қисмлар, одатга кўра, аксарият, А-II, А-III синфли ўзакдан тайёрланган зулфинли таёқчаларнинг тавр шаклда ёки кесиштириб пайвандланишга эга бўлган айрим пластинкалардан (бурчаклар ёки шаклдор пўлатдан) ташкил топишлари лозим. Ўрнатма қисмлар зулфинли таёқчаларининг узунлиги уларга чўзувчи кучлар таъсир қилганда 5.14 банд кўрсатмаларига мос тарзда аниқланувчи $l_{ан}$ дан кичик бўлмаслиги лозим.

Зулфинли таёқчаларнинг узунлиги таёқчаларнинг учларига зулфин пластинкалар ёки диаметрлари, - А-I ва А-II синфли ўзаклар ҳолида, камида $2d$ ва А-III синфли ўзаклар ҳолида $3d$ бўлган зулфин каллакчаларни пайвандлаш орқали камайтирилиши мумкин. Бу ҳолларда зулфинли таёқчанинг узунлиги бетонни тешиш ва эзишга ҳисоблаш орқали аниқланиб, камида $10d$ (бунда d -зулфин диаметри, мм) деб қабул қилинади.

Агар чўзилиши юз бераётган зулфинлар унсур ўқиға тик

жойлашган бўлсалар, ва улар бўйлаб, унсурга таъсир қилаётган асосий зўриқишдан дарзлар ҳосил бўлиши мумкин бўлса, у ҳолда зулфинларнинг учлари пластинкалар пайванд қилиш ёки каллаклар ўрнатиш орқали кучайтирилишлари лозим.

Қолипланган ўрнатма қисмлар кучайтирувга эга бўлган (масалан, сферик учлар тарзида) тасма зулфинлардан, ҳамда пластинка вазифасини бажарувчи (пайвандланган қисмларга ўхшаш) жойлардан ташкил топишлари лозим. Қолипланувчи ўрнатма қисмларни, одатда, қалинлиги 4-8 мм бўлган тасма пўлатдан шундай лойиҳалаш лозимки, токи тасмани бичишдаги чиқиндилар энг кам бўлсин. Буюмни тасма зулфинлар ва пластинкалар мустаҳкамлиги бўйича ҳисобланади. Буюмни зулфинлаш мустаҳкамлигини бетонни синдиришга, мертилишга ва узилишга ҳисоблаш орқали текширилди.

Ўрнатма қисмлар пластинкалари қалинлигини 3.46 банд кўрсатмаларига ҳамда пайвандлаш талабларига асосан аниқланади. Пайвандлаш технологиясига боғлиқ равишда пластинка қалинлигининг зулфин таёқчаси диаметрига нисбатан ГОСТ 14098-91 талабларига мос тарзда қабул қилинади.

5.46. Марказдан ташқарида қисилган туташтирилувчи унсурларнинг уч қисмларида (масалан, йиғма устунлар учларида) 5.24 банд кўрсатмаларига мос тарзда билвосита ўзак ўрнатилиши лозим.

АЙРИМ КОНСТРУКЦИЯВИЙ ТАЛАБЛАР

5.47. Чўкувчи чоклар, одатда, бинони (иншоотни) нобиржинс грунт заминда (чўкувчи ва б.), юклармалар кескин ўзгарадиган жойларда ва ш.к. кўзда тутилмоғи лозим.

Агар кўрсатилган ҳолларда чўкувчи чоклар кўзда тутилмаган бўлса, пойдеворлар юқорида жойлашган конструкцияларнинг шикастланиши олдини олишга, етарли мустаҳкамликка ва қаттиқликка эга бўлиши ёки шу мақсадга эришиш учун хизмат қилувчи маҳсус конструкцияга эга бўлиши лозим.

Туташ бетон ва темирбетон конструкцияларда чўкув чокларини. Шунингдек, ҳароратий - чўкув чокларини конструкцияни пойдевор тагигача кесиш билан бўйлама тарзда амалга ошириш лозим. темирбетон синчларда ҳароратий-чўкув чоклари қўш устунларни қўллаш ва чокларни пойдевор устигача етказиш орқали амалга оширилади.

Бетон пойдеворлардаги ва ертўлалар деворларидаги ҳароратий-чўкма чоклар орасидаги масофаларни юқорида жойлашган конструкциялар учун қабул қилинган чоклар ораликлари каби қабул қилишга йўл берилади.

5.48. Бетон конструкцияларда конструкциявий ўзаклаш қуйидаги ҳолларда кўзда тутилиши лозим:

а) унсурлар кесимлари ўлчамлари кескин ўзгарган жойларда;

б) девор баландлиги ўзгарган жойларда (камида 1 м ораликда);

в) ҳар бир қаватнинг ости ва устидаги бўшлиқдаги бетон деворларда;

г) динамик юклармалар таъсирида бўладиган конструкцияларда;

д) марказдан ташқарида қисилган унсурларда, уларни қайишоқ жисм сифатида қараган ҳолда кесимдаги энг катта кучланиш $0,8 R_b$ дан ортиқ бўлса, энг кичиги эса, 1 МПа дан кам ёки ўзаклаш доимийсини камида - 0,025% деб олганда чўзувчи бўлиб қолса, бунда камроқ зўриққан қиррада.

Ушбу банднинг талаблари ташиш ва йиғиш босқичларида текшириладиган йиғма конструкциялар унсурларига жорий қилинмасдан, бу ҳолда зарурий ўзаклаш мустаҳкамликка ҳисоблашдан аниқланади. Агар ҳисоблаш унсурнинг мустаҳкамлиги чўзилган соҳа бетонида дарз ҳосил бўлиши билан бир вақтда тугагини кўрсатса, у ҳолда заиф ўзакланган унсурларга тааллуқли (чўзилган бетоннинг ишлашини ҳисобга олмаган ҳолда) 1.19 банд талабларини ҳисобга олиш лозимдир. Агар, бетоннинг чўзилган соҳаси қаршилигини назарга олган ҳолда бажарилган ҳисоблашга кўра, ўзак керак бўлмаса ва тажриба бундай ўзаксиз унсурларни ташиш ва йиғиш мумкинлигини тасдиқласа, конструкциявий ўзаклашни кўзда тутилмайди.

5.49. Ўзақлар жойлашувининг лойиҳавий ҳолатларга мослиги маҳсус тадбирлар воситасида таъминланиши (пластмасса қайдлагичлар, манбалар ва майда кумоқ бетон ва ш.к. ни жойлаш орқали) лозимдир.

5.50. Темирбетон тахталардаги, панеллардаги ва ш.к. даги йирик ўлчамли тешиқлар, тахтани туташ деб қараганда ҳисоблаш бўйича лозим бўлган ишчи ўзак (ўша йўналишли) кесимдан кичик бўлмаган кесимли қўшимча ўзак билан гардишланиши лозимдир.

5.51. Йиғма ёпмалар унсурларини лойиҳалаётганда. Улар орала-ридаги чокларни бетон билан тўлди-риш қурилмалари кўзда тутилиши лозим. Чокларнинг кенлиги уларни сифатли тўлдириш шарти билан бел-гиланиши лозим бўлиб, кесими ба-ландлиги 250 мм гача бўлган унсур-лар учун 20 мм ва каттароқ баланд-ликни унсурлар учун камида 30 мм ни ташкил қилиши лозим.

5.52. Йиғма конструкциялар унсурларида уларни кўтаришда ту-тиш учун мосламалар кўзда тути-лиши лозим: инвентар йиғув бурама илгаклар, пўлат найли кўтариш те-шиқлари, ўзак таёқчалардан ясалган доимий йиғув илгаклари ва ш.ў. Кўтариш илмоқлари 2.24 бандга та-лабларига мос тарзда иссиқ ша-кллантирилган пўлатдан тайёрла-ниши лозим.

ДАСТАВВАЛ ЗЎРИҚТИРИЛГАН ТЕМИРБЕТОН УНСУРЛАРНИ КОНСТРУКЦИЯЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА КЎРСАТМАЛАР

5.53. Даставвал зўриқтирилган унсурларда, одатга кўра, даврий ша-кллантирилган бетонни қўллаш, ка-наллар, ораликлар ва ўйиқларни це-мент қоришма ёки майда қумоқ бе-тон билан тўлдириш орқали ўзакнинг бетон билан ишончли тути-нишини таъминлаш лозим.

